

Хабар

7
(804)-son

15-fevral

www.xabar.uz
xabar@uzpak.uz
orif@infonet.uz

2008

О‘ЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАСHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqa boshlagan

● Алоқа оламида: **ЭНГ СЎНГГИ ЯНГИЛИК!** ●

SonyEricsson компанияси янги маҳсулоти — Xperia X1 смартфонини тақдим этди. Диагонали уч дюймлик сенсорли дисплей ва QWERTY-клавиатура билан таъминланган мазкур қурилма Apple iPhoneга муносиб рақиб бўлиши мумкин.

SonyEricsson экранни 800x480 пиксел, iPhone эса 480x320 пиксел имкониётга эга. iPhoneга икки мегапикселли фотокамера ўрнатилган бўлса, Xperia X1да 3,2 мегапикселни ташкил этади.

SonyEricsson смартфонда Windows Mobile 6 амалиётлар тизими қўлланилади. Унинг хотираси 400 мегабайтга тенг — iPhoneда эса 16 гигабайт хотира мавжуд.



2008 йилда ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

— Макроиқтисодий барқарорлик, ишлаб чиқаришнинг изчил ва мутаносиб ўсиш суръатларини таъминлаш, жалб этилаётган инвестицияларни кўпайтириш ҳисобидан таркибий ўзгаришларни қатъий давом эттириш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва янгилаш;

— Ислохотларни чуқурлаштириш, иқтисодиёт, солиқ-бюджет сиёсатини янада эркинлаштириш, бозор инфратузилмасини жадал ривожлантириш;

— Аҳолини иш билан таъминлашни янада яхшилаш ва унинг фаровонлигини оширишнинг энг муҳим йўналиши сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва қасаначилик соҳаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришни рағбатлантириш.

“O‘ZBEKTELEKOM” AK

UzNet

Internet Service Provider



КЕЛАЖАКНИ ЙЎЛАБ ИШ КЎРМОҚ ЮТУҚЛАР ГАРОВИДИР

Интернетнинг бугунги ҳаётимизда қандай ўрин тутишини ортиқча таърифлаш шарт эмас. Глобал тармоқдан фойдаланувчилар сони мамлакатимизда кун сайин ошиб бораётгани ҳам унинг хизматларига эҳтиёжнинг юқорилигидан далолат беради. Лекин яна бир жиҳат мавжудки, бусиз компьютерларимизда интернетдан эркин фойдаланишни тасаввур ҳам қила олмаймиз. Бу – бизга бутунжаҳон ўргимчак тўрига боғланишни таъминлаб бераётган интернет-провайдерлардир. Мамлакатимизда ушбу йўналишда хизмат кўрсатувчи корхоналарга кенг йўл очиб берилгани улар сонининг ошишига сабаб бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида, соғлом рақобатни вужудга келтириб, интернет хизматларининг арзонлашишига олиб келяпти. Аини пайтда мамлакатимизда ўнлаб интернет-провайдерлар хизмат кўрсатмоқда. Газетамизнинг ушбу сонидан бошлаб “INTERNET-PROVAYDERLAR” рўқни остида интернетдан эркин фойдаланиш хизматларини кўрсатувчи компаниялар ҳақида маълумотлар бериб борамиз. Рўқнимизнинг илк меҳмони – мамлакатимиздаги энг йирик интернет-провайдерлардан бири “Ўзбектелеком” АКнинг “UZNET” филиалидир.

5-БЕТ




Кенг қамровли
суғурта хизматлари

тел.: (+998 71) 173-80-05. факс: (+998 71) 173-80-06



UzNet
Internet Service Provider
— сифат рамзидир



— юқори тезликдаги уй Интернет

JUMADAN —
JUMAGACHA

✓ 8 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2008 йилда ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим вазифаларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов маъруза қилди.

Давлат раҳбарининг маърузасида иқтисодийetni ислох қилиш ва эркинлаштириш жараёнларини жадаллаштириш, уни таркибий ўзгартириш ва модернизация қилиш чора-тадбирларининг изчил амалга оширилиши натижасида иқтисодийetni юқори барқарор ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий барқарорлиги, инфляция даражасининг пасайиши, аҳолининг иш билан бандлиги ва турмуш даражаси ошиши таъминланаётганлиги қайд этилди. Шунингдек, Президент ўз маърузасида мавжуд ҳал этилмаган муаммоларга эътиборни қаратди ва 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим вазифалари ва йўналишлари дастурига алоҳида тўхтади.

✓ Матбуотда “2008 йилда Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифалари ва йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари дастури” эълон қилинди.

✓ Ўзбекистон Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида Алишер Навоийнинг адабий ва илмий меросини ўрганишга бағишланган анъанавий илмий анжуман бўлиб ўтди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган бу тадбирда олимлар, адиллар, ёш тадқиқотчилар ва мумтоз адабиёт ихлосмандлари иштирок этди.

✓ Давлат солиқ кўмитаси марказий аппарати тузилмалари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Давлат солиқ хизмати органлари ҳамда тизим ўқув юртли раҳбарлари иштирокида ДСҚ Хайъатининг навбатдан ташқари йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида Президентимиз томонидан Давлат солиқ органлари зиммасига юклатилган вазифаларнинг ижро этилишини ташкилларнинг ва таъминлашга доир чора-тадбирлар батафсил муҳокама қилинди.

✓ “Маҳалла” хайрия жамғармаси республика бошқарувининг 2007 йилдаги фаолияти яқунлари ва Ёшлар йилидаги асосий вазифаларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юртимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш кўламини янада кенгайтириш, унинг эҳтиёжманд тоифаларига, ногиронлар ҳамда ёлғиз кексаларга ёрдам кўрсатиш самарадорлигини оширишга қаратилган муҳим чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилаётгани таъкидланди.

SELEKTOR YIG'ILISHI

Жорий йилнинг 8 феврал куни Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида «Телекоммуникация тармоғи иш сифатининг 2007 йил яқунлари» бўйича селектор йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг биринчи ўринбосари А.Избосаров олиб борди.

Сифат — муҳим вазифа



Хозирги кунда алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси дунёдаги барча мамлакатлар бошқаруви ва иқтисодийетида етакчи соҳалардан бири бўлиб қолганлиги, хусусан, мамлакатимизда ҳам сўнгги йилларда мазкур йўналишда қатор ишлар амалга оширилаётганлиги йиғилишда алоҳида таъкидланди. Ҳақиқатан ҳам давлатимиз раҳбари томонидан алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини ривожлантиришга катта аҳамият берилляпти. Бу эса соҳада бажарилаётган ишларни янада жадаллаштиришга асос бўлмоқда. Амалга оширилаётган ишлар ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини назорат қилиш соҳа ривожига ҳисса қўлувчи омиллардан биридир.

Кун тартибидagi масалалар бўйича Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини бошқариш республика марказининг

директори Ҳ.Холмухамедов, «Ўзбектелеком» АК бош директорининг биринчи ўринбосари Ж.Махсудов, «Тошкент телеграф-телефон станцияси» филиали директорининг биринчи ўринбосари Ш.Каримов, Радиоалоқа, радиозвонитириш ва телевидение марказининг техник директори Б.Абидов ва Давлат алоқа инспекцияси бошлигининг ўринбосари А.Фафуровлар маъруза қилдилар.

Йиғилишда бирламчи ва иккитамчи телекоммуникация тармоғи ҳамда телевидение ва радиоэвшитириш дастурларини тарқатиш тизимида 2007 йил мобайнида сифат кўрсаткичларида белгиланган меъёрларнинг бажарилишига алоҳида тўхталиб, мутасадди раҳбар ва ходимлар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатига эътиборни ку-

чайтириш, абонентларнинг ариза ва шикоятларини белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқишни таъминлаш зарурлиги айтиб ўтилди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг биринчи ўринбосари А.Избосаров жойларда яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиш ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, сифат кўрсаткичларининг пасайишига сабаб бўлувчи омиллар, жумладан, кабелларни доимий ҳаво босими остига қўйиш, телекоммуникация линия ва иншоотларида ўғриликларнинг олдини олиш ишларига жиддий эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлаб ўтди. Айниқса, техник меъёрларга тўғри келмайдиган хавфли кесилмаларни камайтириш ва келгусида унинг олдини олиш бўйича жиддий чоралар кўриш зарурлигига алоҳида урғу берди. Шу билан бирга, «Ўзбектелеком» АКнинг айрим филиаллари томонидан хавфли кесилмалар бўйича тақдим этилган статистик ҳисоботлардаги кўрсаткичларни танқид қилди.

Йиғилиш қарорининг баёни билан айрим ҳудудларда сифат кўрсаткичларининг пасайишига йўл қўйган «Ўзбектелеком» АКнинг филиаллари ва «Шаҳарлараро алоқа корхонаси» филиали ШМАТБ мутасадди раҳбарларига белгиланган тартибда интимиозий жазо чораларини кўриш тавсия қилинди.

Йиғилиш баёнининг қарори билан белгиланган кўрсатмалар бажарилиши бўйича маълумотлар тақдим этиб бориш ва унинг ижросини доимий назоратга олиш белгиланди.

Ўз мухбиримиз

«Энг яхши ихтиро ва рационализаторлик тақлифи» танлови яқунланди

Ғолибларни қўтлаймиз!

дастр ахборотларини йиғиш тизими» муаллифлари: ФТМТМ ходимлари — директор М.М.Махмудов, директор ўринбосари М.М.Мухитдинов, ДМИТБ бошлиги Р.Р.Сайфулинга;

— учта учинчи ўрин учун учта учинчи даражали диплом ва ҳар бир ўринга 600 минг сўмдан пул мукофоти «200 тоннагача оғирликдаги миноралар тиклигини тиклаш» муаллифи «Ўзбектелеком» АК «ШАК» филиали бош мутахассиси В.А.Громовенкога, «Uz Azold» шахсий компютери учун математик таъминот дастури» муаллифи «Ўзбектелеком» АК «ТашТТС» филиали йўлдош алоқа цехи «Азимут» участкасининг етакчи муҳандиси О.В.Солдатовга, «12 волтти сув насоси» муаллифлари — «Ўзбектелеком» АК «Наманган Телеком» филиали директори Ж.Якубаев, «Наманган Телеком» филиали муҳандиси У.И.Смоиловга берилди.

Ихтиролар бўйича:

— биринчи ўрин учун биринчи даражали диплом ва 2 млн. сўм пул мукофоти «Криптография коммуникация, аудентификация ва махфий калитлар генерациясининг диакспоненциал тизимини яратиш усули» муаллифлари: ФТМТМ ходимлари: бош

илмий ходим, профессор П.Ф.Ҳасанов, директорнинг биринчи ўринбосари, доцент Р.И.Исаев, лаборатория бошлиги, физика-математика фанлари номзоди М.Х.Назарова, лаборатория бошлиги О.П.Аҳмедова ва Ўзбекистон Республикаси Президенти девони етакчи консультанти Х.П.Ҳасановга;

— иккинчи ўрин учун иккинчи даражали диплом ва 1 млн. 500 минг сўм пул мукофоти «Кучайтиришчи фотоўзгартириш» муаллифлари: ТАТУ ходимлари — кафедра тадқиқотчиси З.Е.Агабекова, кафедра мудири Х.Қ.Арипов, доцент Х.Бўстинов, ректор, профессор С.С.Қосимов, аспирант Ф.Р.Носирходжаев, доцент Е.В.Объедковга берилди.

Ўзбекистон радиотехника, электроника ва алоқа илмий техника жамияти танлови ғолибларини табриқлайди ва улардан келгусида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини ривожлантиришга қаратилган янги рационализаторлик тақлифларини ва ихтироларини қўтиб қолади.

Ўзбекистон радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти Раёсати

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2007 йил 30 майдаги «Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги энг яхши ихтиро ва рационализаторлик тақлифлари бўйича танлов ўтказиш тўғрисида»ги буйруғига мувофиқ 2007 йилги «Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги энг яхши ихтиро ва рационализаторлик тақлифи» республика танлови Ўзбекистон радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти билан биргаликда ўтказилиб, танлов комиссияси томонидан ғолиблар танлаб олинди. Комиссиянинг 2008 йил 15 январдаги йиғилиши қарорига ҳамда Агентликнинг 2008 йил 11 февралдаги 41-сонли буйруғига мувофиқ:

Энг яхши рационализаторлик тақлифлари бўйича:

— битта биринчи ўрин учун биринчи даражали диплом ва 1 млн. сўм пул мукофоти «INC-100 тезкор бошқарув тизими учун X-Terminal» муаллифи «Ўзбектелеком» АК «ШАК» филиали бош мутахассиси Р.Э.Ботировга;

— иккита иккинчи ўрин учун иккита иккинчи даражали диплом ва ҳар бир ўринга 800 минг сўмдан пул мукофоти «Вахшивор (РТС-13) станциясини автоном электр энергияси манбаи билан таъминлаш учун Вахшивор сойида 50 кВт қувватли ГЭС қуриш лойиҳаси» муаллифлари: «Термиз РТУМ» бош муҳандиси М.А.Қурбонов, «Термиз РТУМ» РТС-13 цех бошлиги О.П.Пардаева, «Алоқа объектларининг ка-

SEMINAR

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида давлат ахборот ресурслари (ДАР)ни шакллантириш, рўйхатга олиш ва қўллаб-қувватлаш масалаларига бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди.

ДАР масалаларига бағишланди



Тадбир давлат ва хўжалик бошқарув идоралари масъул мутахассисларнинг давлат ахборот ресурслари ва тизимларини ривожлантириш ҳамда доимий равишда уларнинг ҳисобини юритиш ва назорат қилиш борасидаги билимини ошириш мақсадида ташкил этилди. Унда 80дан зиёд турли ташкилотдан 150дан ортиқ вакил иштирок этди. Семинарда таъкидланганидек, юртимизда ушбу йўналишда ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган қатор қонун ҳужжатлари ва ҳукумат қарорлари қабул қилинган. Ахборотлаштиришга оид қонунга мувофиқ ахборот ресурсларини ҳужжатлаштириш, таснифлаш тартиби белги-ланган. Жумладан, давлат ахборот ресурсларини шак-

ллантириш ҳамда давлат идораларининг ахборот тизимини яратиш тартибига оид меъёрларни тасдиқлайдиган Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 22 ноябрдаги «Ахборотлаштириш соҳасида меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида»ги ҳамда 2006 йил 20 февралдаги «Давлат ахборот ресурслари ҳамда уларни шакллантириш, қўллаш ва қўллаб-қувватлашга масъул давлат органлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари ба-жарилишининг ахволи муҳокама этилди. Шунингдек, семинарда мазкур рўйхат ҳукумат даражасида зарур ўзгаришлар киритиш ва янги тузилаётган ахборот ресурсларини янгилаш мақсадида ҳар йили қайта кўри-

чиқилиши таъкидланди. Бунинг учун идоралар ҳар йили тасарруфларидаги мавжуд давлат ахборот ресурсларининг тасдиқланган инвентаризацияни ўтказиш тартибига мувофиқ рўйхатдан ўтказиши зарур.

Тадбирда UZINFOCOM маркази директори Ж.Раҳимов ва унинг биринчи ўринбосари И.Жўраев маъруза қилдилар.

Маърузаларда давлат ахборот ресурсларини шакллантириш, рўйхатга олиш ва ривожлантириш масалаларига эътибор қаратилди. Жумладан, ахборот ресурсларини яратиш ва самарали қўллаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий жиҳатлари ҳақида сўз юритилди, ахборот ресурсларни давлат ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари реестрида рўйхатга олишда тегишли шакл ва ҳужжатларни тўғри тўлдириш тушунарли тарзда тақдим этилди.

Маъруза хулосалари юзасидан иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олди-лар. Идораларга яқин кунларда мавжуд ахборот ресурсларни давлат рўйхати-дан ўтказиш тавсия этилди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги матбуот хизмати

“Unitel” МЧЖ: яқунлар ва режалар

“Unitel” МЧЖ (“Билайн” савдо белгиси) “Тошкент Палас” меҳмонхонасида журналистлар учун матбуот анжумани ўтказди.



Тадбирда “Unitel” МЧЖ бош директори Е.Рубан, компаниянинг техник директори М.Богоявленский ва янги тайинланган тижорий директор — А.Солоухин қатнашиб, компаниянинг ўтган йил яқунлари ва бу йилги режалари ҳақида батафсил маълумот беришди.

Ўтган йил компания учун жуда муваффақиятли келди, абонентлари сони 2198 мингга етди, шунга мос равишда миқозларга хизмат кўрсатиш шахобчалари сони ошди. Компания мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида фаол иштирок этди. Бевосита унинг ёрдами билан республикамизда 4та компьютер синфи ишга туширилди, вилоятлардаги шифохоналарга 11та тез ёрдам машинаси олиб берилди. Компания Республика шахмат федерациясига ҳомийлик қилди.

Е.Рубаннинг айтишича, 2008 йилда алоқа сифатини яхшилаш мақсадида сарфланадиган инвестиция ҳажми икки бараварга, жумладан, база станциялари сони 70 фоизга кўпайтирилади. Шунингдек, Ўзбекистоннинг барча ҳудудларини GPRS ва мобил-интернет тармоғи билан қоплаш, 3G стандарти асосидаги хизматни ишга тушириш ҳам компаниянинг жорий йил учун белгиланган режалари қаторидан ўрин олган.

Анжуманнинг иккинчи ярмида савол-жавоб ўтказилиб, журналистлар ўзларини қизиқтирган масалалар бўйича атрафлича жавоб олишди.

Собит АҲАДОВ,
“Xabar” мухбири

Энди эфирда етти соат

Сурхондарё телевидениеси 2008 йил 1 февралдан бошлаб ўз мустақил каналига эга бўлди. Шу пайтгача маҳаллий теледастурлар “Ешлар” телеканали орқали кечки пайт бериб келинар эди.

Вилоят радиотелевизион узатиш марказидан маълум қилишларича, бу янгилик ҳам Хитой кредити асосидаги амалий ислохотлар самарасидир. Ҳозир Сурхондарё телевидениесининг етти соатлик кўрсатувлари бевосита Учкизилда 36, Вахшиворда 10, Термиз шаҳрида 11-ТВК каналлар орқали вилоят бўйлаб узатишмоқда.

Нортожи ЗИЁЕВ

Бобур

*Хусн аҳлига зору мубтало кўз эрмиш,
Жоним била кўнглимга бало кўз эрмиш.
Фаҳм айладим эмди, Бобуро, ишқ ичра
Кўзимни қорортқон қаро кўз эрмиш.*

YANGI XIZMAT TURLARI

Яна бир қулайлик

Ҳозирги кунда «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси миқозларида нафақат универсал телекоммуникация хизматларидан, балки кўшимча хизмат турларидан ҳам фойдаланиш имкони пайдо бўлмоқда.

Шуни айтиб ўтиш керакки, рақамли автомат телефон станциялар турлича бўлгани, улардаги дастурий таъминот эскирганлиги ва бошқа сабабларга кўра, рақамли АТСлар миқозлар талаб қилган баъзи кўшимча хизматларни тақдим қила олмаслиги ҳам муаммолардан бири. Жумладан, Жанубий Кореядан кредит асосида келтирилган DTS русумидаги АТСлар дастурий таъминотида чақираётган абонент телефон рақамини аниқлаш хизмати бўлмагани учун миқозлар мазкур хизматдан фой-

далана олмас эдилар. «Ўзбектелеком» АК «Андижон Телеком» филиалида фаолият кўрсатаётган дастурчи мутахассислар ушбу муаммонинг ечимини топдилар. Яъни, улар филиалнинг 34500 миқозини айнан DTS русумидаги АТСлар хизматидан фойдаланишини инобатга олиб, дастурий таъминотга чақираётган абонент телефон рақамини аниқлаш хизматини қўшган ҳолда янгиладилар.

Ушбу дастурга кўра, миқоз ўзига телефон қилган бошқа миқоз рақамини аниқлаш учун телефон аппа-

ратининг «FLASH» тугмачасини босади ёки ричагни бир босиб қўйиб юборади. Ушбу манипуляциядан сўнг аниқланган рақам АТС компютери хотирасига ёзилиб қолади, сўнгра миқоз чақираётган абонент телефон рақамини аниқлаш хизмати учун ажратилган 062 махсус рақамга кўнғироқ қилади. Махсус акустик овоздан сўнг 1 рақамини ва юлдузча (*) тугмачасини босиш билан охириги аниқланган телефон рақамини махсус автохабарчининг акустик овози орқали библи олади.

Худди шу тарзда терилган рақамларни иккинчи, учинчи ва ҳоказо 100тагача аниқлаш мумкин.

Рақам териш тартиби:
062 рақами, сўнгра 2 рақами ва юлдузча териш орқали 2-миқозни;
062 рақами, сўнгра 3 рақами ва юлдузча териш орқали 3-миқозни ва ҳоказо тартибда териб аниқлаш мумкин.

«Ўзбектелеком» АК томонидан

шартномавий (эркин) асосда ўрнатиладиган телекоммуникация хизматлари тарифлари — 125-1/7-сонли нархномага асосан ушбу хизматга ҳар бир мурожаат учун миқоздан 25 сўм пул тўлаш талаб қилинади.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, «Андижон Телеком» филиалига тегишли DTS русумидаги АТСлар миқозлари келгусида ушбу хизматдан фойдаланишлари ва бунда автоматик рақам аниқловчи телефонларни ишлатишлари талаб қилинмаслиги сервис соҳасини ривожлантириш йўлида амалга ошириладиган ишларнинг ёрқин натижасидир.

Хуршид ЛУТФУЛЛАЕВ,
«Ўзбектелеком» АК
иқтисодий таҳлил,
прогноزلаш ва
тарифлар бўлими
етақчи мутахассиси

XALQARO HAYOT

● FAXRIYLAR — FAXRIMIZ

САХОВАТПЕША ШАҲЗОДАЛАР

"The Daily Mail" нашрининг хабар беришича, Буюк Британия шаҳзодалари Уилям ва Гарри Африка худуди бўйлаб 1600 километр масофани мотоциклда босиб ўтишга қарор қилишган.

Шаҳзодалар ушбу саёҳатдан тушган маблағни ўзларининг "Sentebele" хайрия жамғармасига ўтказишмоқчи. Бу пуллар жанубий Африкадаги Лесота қироллигининг ОИТС хасталигига чалинган беморларига хайрия ёрдами сифатида сарфланади.

Сафар давомида шаҳзодаларни махсус қўриқчилар кузатиб борадилар.

САЛОМГА ЯРАША АЛИК

France Presse агентлиги хабарига кўра, Венесуэла Petroleo de Venezuela давлат компанияси Американинги ExxonMobil компаниясига нефть етказиб беришни тўхтатган. Расмий маълумотларга қараганда, бу ҳолат "хуқуқий-иқтисодий босим" билан боғлиқдир.

Гал шундаки, ExxonMobil компанияси Лондон Олий судидан Венесуэланинги давлат нефть компанияларига тегишли 12 миллиардлик активларни музлатиб қўйишни сўраган. Бунга жавобан эса мамлакат президенти Уго Чавес: "Агар сиз бизнинг активларни музлатишни уддаласангиз, агар сиз бизга зарар келтирсангиз, унда биз ҳам шу тарзда жавоб берамиз", дея ўз муносабатини билдирган.

Чавес мамлакат нефть қазиб олиш тармогини миллилаштириш доирасида янги қоида ишлаб чиққанидан сўнг ExxonMobil судга мурожаат қилган. Ушбу қоидага кўра, Венесуэла худудида фаолият юритаётган барча нефть ишлаб чиқариш компаниялари активларининг 60 фоизига давлат эгалик қилиши керак.

ЯНГИ АЭС ҚУРИЛАДИ

Туркия Ўрта Ер денгизи қирғоғида ўзининг биринчи атом электр станциясини қуришга қарор қилган. Бу ҳақда АР агентлигига мамлакат энергетика вазири Хилми Гулер маълум қилган.

Туркия айнан шу жойда АЭС қуришга 2000 йилда киришган ва бу иш молиявий қийинчилик ҳамда Туркия, Греция ва Кипрдаги атроф-муҳитни ҳимоя қилувчилар қаршилиги сабаб тўхтаб қолган эди. Барча эътирозларга қарамай, ўтган йили Туркия парламенти АЭС қурилиши учун қонун лойиҳасини ишлаб чиқди. Энергетика вазирлиги қурилишга тендер ўтказишни зиммасига олди. Тендерни 21 февралда ўтказиш эълон қилинган. Тендерда ғолиб чиққан компания қурилишни шу йилда бошлаши шарт. АЭСни тўла қувват билан 2013-2014 йилларда ишга тушириш кўзда тутилган.

41 ШАХС ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Италия полицияси кенг қамровли махсус амалиёт чоғида мафияга алоқадорликда гумон қилинган 41 шахсни қўлга олган. Уларнинг уч нафари полиция офицерларидир, дейилади France Presse агентлиги хабарига.

Хуқуқий ҳимоя қилувчи органлар маълумотида кўра, барча қўлга олинганлар "La Torre" жиноий гўдаси аъзоларидир. Улар қўриқитиш орқали одамлардан пул ундирганликда ва наркотик моддалар савдосини амалга оширганликда айбланмоқда.

Оммавий қўлга олишлар Италияда 30 нафар энг хавфли жиноятчилардан ташкил топган барча мафиялар бошлиғи ҳисобланган Винченцо Личчарди қўлга олингандан сўнг бошланган. Винченцо 7 февралда рафиқаси билан бирга қўлга олинган эди. "La Torre" гўдаси ўзида умумий беш мингга яқин жиноятчилардан иборат бир неча гўдаларни бирлаштирган "Каморра" гуруҳининг қисмидир. "Каморра" Неаполдаги юзлаб қотилликларни ўз зиммасига олган.

Интернет материаллари асосида
Усмонжон ЙУЛДОШЕВ тайёрлади



ҲУРМАТУ ЭЪЗОЗИМИЗ СИЗГА, УСТОЗЛАР!

Фахрийлар... Кўп йиллик самарали меҳнати, ақлу заковати билан ўзлари фаолият кўрсатган корхона ёки ташкилотнинг ривожига катта ҳисса қўшган, ҳар қандай ҳурмату эъзозга сазовор инсонлар улар.

Ана шундай нуруний отахону онахонларга катта иззат-икром кўрсатиш, пенсияга тантанали кузатиш «Ўзбектелеком» АК «Тошкент телеграф-телефон станцияси» филиалида анъанага айланган. Яқинда корхонада кўп йиллар самарали меҳнат қилган 14 нафар фахрийни нафақага кузатиш тадбири бўлиб ўтди. Тадбирни филиал касаб-уюшмаси кўмитаси раиси Д.Усмонов олиб борди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, нафақага чиқаётган фахрийлар корхонанинги ривожланиши ва иш самарадорлиги ошиши учун тинмай меҳнат қилишди. Уларнинг деярли барчаси камида 40-50 йил хизмат қилиб, ўз касбининг усталарига айланишган ва корхонанинги бугунги ҳолга келишида ҳар бирларининг муносиб улуши бор. Масалан, техник фойдаланиш бўлими етакчи муҳандиси Саида Иброҳимова «ТошТТС» филиалига 1959 йилда келиб, то шу кунга қадар самарали меҳнат қилди. У иш фаолиятини узатиш аппаратлари цехида навбатчи муҳандис вазифасидан бошлаган. Ўзининг салкам 50 йиллик меҳнат фаолиятида ишлаб чиқариш лабораторияси муҳандиси, меҳнатни меъёрлаш ва ташкил этиш гуруҳи, техник фойдаланиш бўлими ва сўнгра автоматика цехи бошлиғи вазифаларида ишлаб келган. Саида опа ўз ишини яхши ва мукамал биллади-

ган талабчан раҳбар бўлгани учун корхонада обрў-эътибор топди. 2003 йилдан бошлаб техник фойдаланиш бўлими етакчи муҳандиси вазифасида фаолият юритди. Иш давомида эришган ютуқлари учун 1974 йилда «Моҳир алоқачи» фахрий унвони ҳамда бир қатор медаллар ва фахрий ёрликлар билан тақдирланган. С.Иброҳимова ўзининг бор билим ва маҳоратини ёш мутахассисларга ўргатишдан ҳеч чарчамайди. Етакчи муҳандис Артур Войцеховский, ҳисоблаш техник лабораторияси муҳандиси Наталья Роганкова, узатиш тизимлари цехи бошлиғи Валентина Гринко, шу цех электромеханиги Маъмура Мирсолиева ва бошқалар ҳақида ҳам шундай фикрларни билдириш мумкин.

Тадбирда филиал директори А.Газиев сўзга чиқиб, фахрийларга корхона ривожини йўлидаги меҳнатлари учун миннатдорчилик билдирди. Улар учун корхонанинги эшиклари доимо очиклигини, қандай муаммолар пайдо бўлса, корхона раҳбарияти бегараси ёрдами аямаслигини таъкидлади. Ўз навбатида, директор фахрийлардан бундан буюб ҳам ўзларининг кўп йиллик тажриба ва маслаҳатларини аямасликларини сўраб, лозим бўлганда, улар шартнома асосида меҳнатга жалб қилинишлари мумкинлигини айтди. Фахрийларга корхона ҳисобидан бир йўла олти ой-

лик маош миқдорида моддий ёрдам, ўзлари хоҳлаган дам олиш сиҳаттоҳларига бепул йўлланма, гулдаста ва қимматбаҳо совғалар берилди. Тадбирда филиал директори ўринбосари Ш.Каримов, техник фойдаланиш бўлими бошлиғи И.Нестерова, фахрийлар кенгаши раиси У.Сагатов ва бошқалар ҳам сўзга чиқиб, ҳамкасбларига бекиёс меҳнатлари учун яна бир бор миннатдорчилик билдирдилар.

Тадбир сўнгиди фахрийлар номидан ҳисоблаш техник лабораторияси муҳандиси Н.Роганкова, Л.Галева-лар сўзга чиқиб, корхона раҳбарияти ва жамоасига кўрсатётган ғамхўрликлари учун ташаккур изҳор қилишди.

— Ишонганда раҳбарларинг ғамхўр ва меҳрибон бўлса, ҳамкасбларинг ҳар бир ишда мадад бериб туришса, кунларинг қандай ўтаётганини сезмай ҳам қолар экансан, — деди, жумладан, Наталья Роганкова ҳаяжондан юзлари овланиб. — Қадрдон корхонада ўтган 25 йил ҳаётининг энг гўзал лавҳаларидир. Яна бир нарсани мамнун этадики, бу ерда инсон омилига эътибор юқори, ходимнинг қадри баланд. Ҳар бир фахрий раҳбарларнинг, касаб-уюшмаси кўмитасининг ардоғида. Ҳар байрамда, ҳар чорак якунида улар эсландилар. Мен ҳам ана шундай ардоқдаги фахрийлар сафига қўшилганимдан хурсандман.

Дарҳақиқат, филиалимизда ходимларнинг ижтимоий муҳофазаси, уларнинг меҳнатини қўллаб-қувватлаш йўлидаги барча тadbирлар ўз самарасини берапти. Фахрийлар корхона фаолиятида ўзларининг маслаҳат ва кўмаклари билан фаол иштирок этишмоқда.

Маъмура АРИПОВА,
«ТошТТС» филиали
ҳодими



Бобур

Аҳбоб, йиғилмоқни фароғат тутунгиз,
Жамиятингиз борини давлат тутунгиз.
Чун гардиши чарх бодурур, тегири учун
Бир-бирни неча кунни ғанимат тутунгиз.

INTERNET-PROVAYDERLAR

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

“UzNET” интернет сервис провайдерлари бугунги кунда маълумотлар узатишнинг барча йўналишлари бўйича хизмат кўрсатади. Жумладан, коммутация ва ажратилган линияларда ҳамда интернет тўлов карталари орқали боғланиш, электрон почта, web-хостинг, web-дизайн, домен номларини тақдим этиш хизмати, локал ҳисоблаш тармоқлари, виртуал хусусий тармоқларни лойиҳалаштириш ва қуриш, мижознинг виртуал хусусий тармоғи учун масофадан бошқаришни ташкил этиш, мультимедиа хизматлари, мактаб ва университетлар учун масофавий ўқитиш ҳамда аудио ва видеоконференциялар ўтказиш имконияти яратилган.

Филиал тармоғи мамлакатимизнинг барча вилоятлари бўйлаб тарқалган. Наманган, Андижон ва Фарғона вилоятларидаги ҳудудий боғламалар Тошкент шаҳридаги марказий боғламага GigabitEthernet транспорт канали орқали, бошқа вилоятлардаги ҳудудий боғламалар эса марказий тармоққа E1 2Мбит/с. оқими орқали уланган.

“UzNET” тармоғи ускуналари ўрнатилган тартибда сертификатлаштирилган. Маълумотлар узатиш тармоғининг бошқарув ва мониторинг тизими 9900дан ортиқ портларнинг ҳар бирини бошқариш ва кузатиб бориш имконини беради.

“UzNET” маълумотлар узатиш тармоғи “Ўзбектелеком” АКнинг Халқаро пакетли коммутация маркази орқали Россия, Қозоғистон ва Европага тўғридан-тўғри канал бўйича захиралаштирилган интернетга боғланиш имконига эга. Бу – интернет хизматлари ишончилиги ва сифатини таъминлаш даражада оширади. Шундан келиб чиқиб, халқаро боғланишдаги маълумотлар узатиш каналларининг умумий сигими Ўзбекистон провайдерлари ичида энг йирик ҳисобланади ва бугунги кунда 94 Мбит/с.ни ташкил этади.

Филиал томонидан тўлов карталари асосида шаҳарлараро ва халқаро даражадаги IP-телефония хизматлари кўрсатилади. Бунинг учун марказий ва ҳудудий боғламаларда овозли шлюзлар ўрнатилиб, ишга туширилган. Марказий боғламада мижозлар кўнгирогини бошқарувчи дастурий коммутатор (softswitch) ўрнатилган. Шлюзлар ва дастурий коммутатор ўртасида овозли ахборот узатиш “UzNET”нинг транспорт IP-тармоғи бўйича амалга оширилади. Шу тарзда, ҳудудлардаги IP-телефония трафиғи “Ўзбектелеком” АКнинг шаҳарлараро телефон каналларига ҳеч қандай юк-ланиш туширмайди.

Айни пайтда 25 провайдер, коммутация тартибидagi 4000дан ортиқ мижоз ва ажратилган линиялардаги 1500дан ортиқ абонент, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Олий Мажлис, қатор вазирлик, агентлик ва идоралар, йирик компания ва ташкилотлар “UzNET” тармоғига уланган. Ўтказувчанлик 64 Кб/с. дан 2 Мб/с. ва ундан юқори тезликдаги ажратилган линиялар бўйича интернетга боғланиш xDSL технологияси асосида амалга оширилади. Ушбу технология бугунги кунда маълумотлар узатиш хизматини ташкил этишда ҳам иқтисодий, ҳам техник жиҳатдан энг самаралиси ҳисобланади.

Юқори тезликдаги боғланиш мижозларга катта миқдордаги ахборот олиш, видеоконференциялар ўтказиш ва IP-телефония хизматларидан фойдаланиш имконини бермоқда.

Бозор иқтисодиётининг энг асосий талабларидан бири бу маркетинг тизимини тўғри йўлга қўйишдир. Филиалнинг маркетинг ва реклама бўлими томонидан 2007 йилда катта ишлар қилинган бу йўналишга жиддий эътибор қаратилаётганидан

этилаётгани, бунинг натижаси ўлароқ, энг фаол мижозлар қимматбахо совғаларга эга бўлишга таниш таъкидлаб ўтди. Фолибларни ушбу ютуқлар билан қўлаб, 2008 йилда ҳам уларга омадлар ёр бўлишини тилади.

Шундан сўнг “Ўзбектелеком” АК бош директорининг ўринбосари Равшан Ашрапов совриндорларга интернетдан бир йил давомида имтиёзли фойдаланиш ҳуқуқини берувчи гувоҳномаларни топширди.

бўлигини айтишди. *Мана, қўриб турганингиздек, бугун совринни қабул қилиб олдим. Бунинг у-ун ташкилотчиларга раҳмат. Энди интернетдан фойдаланиш биз учун янада осонлашди.*

Ўзбекистонда интернет бозори ривожланиши шароитида “UzNET” филиали мавжуд тарифларга чегирмалар тизимини жорий этиб, шу орқали тўлов карталарини кенг миқёсда сотиш ва янги хизматлар жорий этиш ҳисобига даромадни оширишга ҳара-

КЕЛАЖАКНИ ЎЙЛАБ ИШ КЎРМОҚ ЮТУҚЛАР ГАРОВИДИР



далолат беради. Ушбу бўлим томонидан мижозлар сонини кўпайтириш мақсадида қатор тадбирлар ўтказилиб келинмоқда.

– Филиалимиз 2007 йилни “Янги йил” акцияси билан бошлаган эди, – дейди “UzNET” филиалининг маркетинг ва реклама бўлими бошлиғи Нарғизахон Дониёрова. – Баҳорда яна бир тадбир ташкил этилди. Ёз мавсумида эса “Ёз!”, куз фаслида “Талаба” акциялари ўтказилди. Яқинда “Йил мижози” танловини яқунладик. Ушбу танловда “UzNET” тўлов картасини харид қилиб, филиал сайтида рўйхатдан ўтган барча мижозларимиз иштирок этишди. Махсус компьютер 2008 йилнинг 31 январ кунини тахминий танлаш усулида уч нафар голибни аниқлаб берди. Унга қўра, бухоролик Дилшод Ўткиров, тошкентлик Комила Ураева ва Илҳом Сайдуллаевлар бош соврин – бир йил давомида интернетдан имтиёзли фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлишди. Бундан ташқари, бир қатор мижозлар махсус совғалар – чўнтак компьютерлари, телевизор ва мобил телефонларига эга бўлишди. 2008 йилда мижозларимиз учун яна бир қатор тадбирларни ўтказишни режалаштирганмиз. Бугунги кунда мижозларимиз шахсий ва юридик бўғинларга ажратилганини ҳисобга олиб, келгусида ҳар иккала томон учун ҳам алоҳида танловлар ўтказамиз. Бу сазй-ҳаракатларимиз мижозларимиз билан алоқаларимизни мустаҳкамлаб, компаниямиз обрўсининг янада ошишига хизмат қилади, деган умиддаман.

“Йил мижози” танлови голибларини тақдирлаш маросимида “UzNET” филиали директори Алишер Отақуев сўз олиб, филиал томонидан мижозларга кенг имкониятлар тақдим

Таассуротлари билан ўртоқлашиш мақсадида голибларни суҳбатга тортиди.

Илҳом Сайдуллаев:

– Мен ҳозирги пайтда дастурлаш касбини мукамал эгаллашга ҳаракат қиламан. Табиийки, бунинг учун интернет хизматларидан тез-тез фойдаланишимга тўғри келади. Яқинда “UzNET” тўлов карталарини сотиб олиб, ундаги акция эълонига кўзим тушиб қолди. Кейин ушбу компания хизматларидан фойдалана бошладим. Омадим бор экан, яқинда компания сайтидан ушбу танловда голиб бўлганимни билиб қолдим. Мана, бугун бизни чақиритиб, интернетдан бир йил имтиёзли фойдаланишга гувоҳнома беришди. Мен бундан жуда ҳам хурсандман, чунки “UzNET” провайдер тақдим этган бу имконият ўз мақсадларимга эришишимда катта кўмак бериши аниқ.

Комила Ураева:

– Ушбу провайдернинг профессионал даражада ишлашига шубҳа қилмас эдим. Бугун бунга яна бир қарра амин бўлдим. Мижозларга бўлган бундай юксак эътибор учун компания ходимларига миннатдорчилик билдираман ва уларнинг келгуси ишларида муваффақиятлар тилайман.

Дилшод Ўткиров:

– Фарзандларимга ўқиш жараёнида фойдаланишлари ва компьютер саводхонлигини ўзлаштириб боришлари учун компьютер сотиб олган эдим. Кейинчалик уни интернетга уладик. Шундан бери “UzNET” хизматларидан фойдаланиб келамиз. Ўтган йили шу мақсадда бир неча тўлов карталарини харид қилган эдик, ўз-ўзидан танловда қатнашиш имкониятига ҳам эга бўлибмиз. Яқинда компания ходимлари Бухорога кўнғирок қилишиб, танловда голиб

кат қилмоқда. Таъкидлаш жоизки, бу сазй-ҳаракатлар ўз самарасини намоён этмоқда.

Соғлом рақобат майдонига етакчилиكنи қўлга киритиш, кейинчалик ушбу етакчилиكنи сақлаб қолиш учун корхонанинг мақсадли ривожланиш режаси бўлиши лозим. Мамлакатимиздаги мавжуд интернет-провайдерлар олдига кенг имкониятлар эшиги очик турибди. Ким биринчи бўлиб яратилган шароитдан унулли фойдаланса, марра ўшаники. Буни тўғри англаган “UzNET” жамоаси белгиланган режа асосида иш олиб бормоқда. **Олдinda филиал транспорт тармоғини бир неча босқичда модернизация қилиш, янги технологияларни қўллаш, тармоқ каналлари тезлигини ошириш, тармоқни кенгайтириш, жумладан, интернетнинг туманларга, қишлоқларга янада кенгроқ кириб боришини таъминлаш, янги хизмат турларини жорий этиш каби бир қатор вазифалар турибди.**

Белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун филиал ўзининг тажрибали ходимларига таянади. Қолаверса, корхонада ёш мутахассислар ҳам алоҳида эътиборда. “UzNET” филиали Тошкент ахборот технологиялари университети билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Талабалар филиал мутахассисларининг иш тажрибаларини ўрганиш имконига эгалар. Ўз билимини намоён эта олган битирувчилар эса филиалга ишга тақдир этилади. Бу – корхона ўз келажагини ўйлаб иш кўраётганидан далолат беради.

Лутфилло ТУРСУНОВ

С.НАСЛЕДОВ олган суратлар



Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади.

ИНВАЛИДАМ БЕСПЛАТНЫЙ ИНТЕРНЕТ

Сегодня, благодаря развитию технологий и коммуникаций, глобальная сеть передачи данных (интернет) без преувеличения открывает для людей с ограниченными физическими возможностями (ЛОФВ) огромные возможности для социальной реабилитации, ведения полноценной жизни и повышения коммуникабельности.

Стоит ли говорить, насколько важно иметь свободный доступ к глобальной сети передачи данных людям, для которых интернет является единственным «окном в мир», порой единственной возможностью получения квалифицированной помощи, удаленного обучения, общения, поиска и обмена информацией, трудоустройства и повышения квалификации, реализации творческих замыслов.

Наша организация, Узбекское Общество Инвалидов (УзОИ), осуществляет деятельность, направленную на социальную реабилитацию людей с ограниченными возможностями здоровья, улучшения условий и устранение ограничений в их жизнедеятельности для ведения ими полноценного образа жизни.

В настоящее время УзОИ является крупной негосударственной некоммерческой организацией, объединяющей более 107 тысяч инвалидов. Организация имеет областные и районные отделения в Республике Каракалпакстан, во всех областях и городе Ташкенте.

Цель данного проекта — организация и предоставление людям с ограниченными возможностями здоровья по месту их проживания постоянного бесплатного доступа в интернет по коммутируемым линиям телефонной сети общего пользования на скорости от 9,6 до 56 Кбит/с. ЛОФВ теперь имеют следующие возможности:

- возможность получения ЛОФВ квалифицированной помощи, включая онлайн консультации, по всем вопросам, связанным с их здоровьем, обеспечением их прав, трудоустройством и трудовой деятельностью, повседневной жизнью, а также бытовыми проблемами;

- создание возможности удаленного обучения ЛОФВ, доступа к многочисленным программам обучения, учебным литературе и периодике.

- возможность общения, знакомства, переписки, поиска и обмена интересующей информацией;

- доступ ЛОФВ к многочисленным услугам, предлагаемым через интернет, в том числе к быстро развивающимся интернет-магазинам;

- создание условий для реализации интеллектуальных и творческих амбиций ЛОФВ в различных областях и возможности заработка через интернет.

Ойбек ИСАКОВ,
председатель УзОИ

Новости в сфере ИКТ

ЧЕРЕЗ САЙТ АНТИВИРУСНОЙ КОМПАНИИ РАСПРОСТРАНЯЛСЯ ВИРУС

Неизвестные злоумышленники смогли модифицировать один из разделов корпоративного веб-сайта антивирусной компании AvSoft Technologies таким образом, что при его посещении на компьютеры пользователей загружалось вредоносное программное обеспечение.


Вредоносный код был внедрен в страницу загрузок сайта AvSoft. При попытке посещения этого раздела в браузере пользователя открывалось невидимое окно, перенаправлявшее посетителя на другой сервер. Этот сервер, в свою очередь, атаковал машину потенциальной жертвы.

AVSOFT
FT2000 facial mocap software



YAHOO: ЧТО ДЕЛАТЬ?

Исполнительный директор Yahoo Джерри Янг прокомментировал позиции своей компании в отношении недавнего предложения о покупке со стороны Microsoft.



Microsoft изъявила желание поглотить Yahoo неделю назад. За каждую акцию Yahoo корпорация готова заплатить по 31 доллару. Суммарная стоимость сделки может составить почти 45 миллиардов долларов, что примерно на 60% выше общей стоимости акций Yahoo.

Против потенциальной сделки выступают многие эксперты и компании. Так, например, Google полагает, что слияние двух гигантов ухудшит ситуацию с конкуренцией в Сети и повредит основополагающим принципам интернета - открытости и инновациям. А Юридический комитет Конгресса США планирует провести специальную встречу, на которой эксперты попытаются оценить последствия возможного объединения Microsoft и Yahoo.


ДОЛЯ СПАМА — 86,4 % ПОЧТОВОГО ТРАФИКА

Компания «Лаборатория Касперского» опубликовала отчет с результатами анализа активности спамеров в Рунете в январе текущего года.


В прошлом месяце средняя доля мусорных писем в почтовом трафике составила 86,4%. «Лаборатория Касперского» отмечает, что по сравнению с декабрем прошлого года общее количество спама уменьшилось. Однако его доля в почтовом трафике в январе резко подскочила из-за сокращения деловой переписки в новогодние каникулы.

Чаще всего пользователи Рунета получают спамские сообщения с рекламой медикаментов, а также товаров и услуг для здоровья. На долю таких писем в прошлом месяце приходилось примерно 48% от общего количества мусорных посланий. Второе место по распространенности с показателем в 9,3% занимают спамские письма с рекламой различных услуг в сфере образования. Компания «Лаборатория Касперского» подчеркивает, что в русскоязычном спае увеличилось количество предложений по написанию дипломов, курсовых работ и изготовлению шпаргалок. Кроме того, в почтовом трафике достаточно часто встречается спам «для взрослых», а также реклама услуг в сфере отдыха и массовых рассылок по электронной почте.

Доля фишерских сообщений в прошлом месяце составила около 1% от общего объема корреспонденции. Вредоносные программы содержались в 1,13% всех электронных писем.



Google™
Agency Training



GOOGLE НАУЧИЛСЯ ПЕРЕВОДИТЬ КИРИЛЛИЦУ В ЛАТИНИЦУ

Самая крупная в мире поисковая система Google стала по-новому обрабатывать кириллические запросы. Теперь в результатах поиска по таким запросам выводятся и страницы на языках, использующих латинский алфавит.

Для транслитерации в большинстве случаев используется простейшая схема, когда буквам латинского алфавита поставлено в соответствие по одной букве кириллицы. Правила произношения при этом не учитываются. Например, ссылки на сайт компании Apple выводятся по запросу «аппле» а не «эппл» или «эпл», а на почтовую службу Gmail - по запросу «гмайл», но не по «гмайл» или «гмейл».

С другой стороны, ссылки на англоязычный сайт Microsoft можно получить как по запросу «микрософт», так и набрав в строке поиска «майкрософт». Причем, если по запросу «микрософт» российский сайт компании выводится на второй строке сразу после американского, то при запросе «майкрософт» сайта ООО «Майкрософт Рус» на первой странице результатов нет вообще.



АФОРИЗМ

Будь в теле современников душой,
А душа их — подспорю большой.

Алишер НАВОИ

Хабар +tv

2008-йил 15-феврал
7 (904)-сон

OTASOBI

- 5.55 Курсулгувар дастури.
- 6.00 «Ассалом, Раёбистон».
- 7.00 «САРОЙ ЖАВОИРИ» Т/с.
- 7.35 «Юртим бўйлаб» дастури: «Ихти дари борагида».
- 7.55 «Отин мерос».
- 8.00-8.45 «Тавлинома».
- 8.45 «Мен бир яшасам».
- 8.50 «ШАХСОДА ВА КАНИЗАК» Видеосингли.
- «Болалар сайраган».
- 9.30 «Болалар дуниси».
- 9.50 «Елгонилар касри» Мулфилми.
- 10.10 «Айборт».
- 11.00 «Айборт».
- 11.15 «Юртим бўйлаб» дастури: «Ғани бол».
- 11.25 «Азизим».
- 12.00 «Ассалом, Раёбистон!» Кундузги дастури.
- 13.00 «ТУРМУШ ЧОРАҲАЛАРИДА» Т/с.
- 13.50 «Отин мерос».
- 14.00 «Айборт».
- 14.20 «Экин альбом».
- 14.25 «ТОПТАЛАН ТУЙҒУ» Спектакль.
- 16.40 «Юртим бўйлаб» дастури: «Езув маданият тарихи».
- 17.00 «Айборт».
- 17.10 «Отин мерос».
- 17.20 «Юртим бўйлаб» дастури: «Езув маданият тарихи».
- «Болалар сайраган».
- 17.40 «Зоталар — ҳақиқатка етаклар».
- 18.00 «Сизнинг адиқатингиз».
- 18.05 «ТУРМУШ ЧОРАҲАЛАРИДА» Т/с.
- 18.50 2008 йил — Ешлар йили. «Менинг умидларим».
- 19.10 «Саналар сулушда».
- 19.25, 19.55, 20.55 Эълонлар.
- 19.30 «Айборт» (рус тилида).
- 20.05 «ТВ шакфокор».
- 20.10 «АНЧИК ЕЛҒОН» Т/с, премьераси (Туркия).
- 20.50 «Мен бир яшасам».
- 21.00 «Айборт».
- 21.30 «Муздақ кидемколлар».
- 21.55 «СУҒИЧИ КИРОЛИЧА» Т/с, премьераси (Корея).
- 23.00 «Қўшимчим, муҳаббат» (SMS, Сизга берилди).
- 23.15 «РАМАЯНА» Т/с.
- 23.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Чуқта хуш келибсан».
- 00.20-00.30 Тунги новалар.
- «IzExkistan».
- 00.30 Курсулгувар дастури.
- 00.35 «Муздақ кидемколлар».
- 00.55 «Отин мерос».
- 01.00 «Айборт» (рус).
- 01.55 «Ватанлар».
- 02.25 «Таравулим».
- 03.05 «Янги дунё».
- 03.25 «Юртим бўйлаб» дастури: «Езув маданият тарихи».
- 04.00 «Айборт».
- 04.30 Экин альбом.
- 04.35 «Отин мерос».
- 04.45 «Мен бир яшасам».
- 04.50 «Турмуш чораҳаларида» Т/с.
- 05.35-05.55 Тонги новалар.



16.55 Дастурнинг овозланиши.

17.00 «Дарвеш болани».

17.10 «Болалар табиқаси».

17.15 «Калкам, бизнинг».

17.20 «KINSMANIYA».

17.50 «Келажак ағлалар».

18.00 «SMS-муносиба».

18.15 «Девига ҳудудин» Т/с.

18.50 20.10 «IzExk habarlari».

ДУШАНБА — 18 ФЕВРАЛ

- 18.55 «Икуним».
- 19.00 «Дар», Янгиликлар.
- 19.30 «Девига ҳудудин» Т/с.
- 20.20 «ТВ-банк».
- 20.30 «Yoshlar-FM».
- 20.40 «Билар новаси».
- 21.00 «Бизро солиғини».
- 21.05 «Yoshlar» аниқтаси.
- 21.10 «Азия» Т/с.
- 21.55 «Икуним».
- 22.00 «Дар», Янгиликлар.
- 22.30 «Мули мундоғ».
- 22.45 «Юртим дунё» Т/с.
- 23.30 «Ирт теликани».

COMFORT

- 17.50 Курсулгувар тартиби.
- 17.55 Мулфилми: «Арсонани мамлакат» 5-қисм.
- 18.10 21.50 «Телекурер — маркет».
- 21.55 «Баландим?».
- 18.30 «Пойтахт».
- 18.50 «Камил» Т/с.
- 19.20 «ТВ юртим».
- 19.25 «Муслир SMS».
- 19.50 «Саломат бўлинг» (рус).
- 20.00 «Пойтахт» (рус).
- 20.15 «ТВ юртим» (рус).
- 20.20 «Миларко» Т/с (рус).
- 20.50 «Икуним» (рус).
- 21.00 «Жоиза».
- 21.30 «Пойтахт».
- 21.45 «Янгиликлар».
- 22.10 «Алп қалби».
- 22.30 «Пойтахт» (рус).
- 22.45 «Кино SMS со звездами».
- 22.50, 00.15 КМС: «Рашид Камелот».

SPORT

- Телекомпаниялар дивултига!
- Профилактика муносабати билан 18 феврал кун «Спорт» телерадиоканали ўз курсулгуварини 18.00 дан бошлаётди.
- 18.00 «Полонез».
 - 18.20 «Теп-теп».
 - 18.30 «Хабарлар» (рус тилида)
 - 18.50 «Муслир тайм».
 - 19.10 «Спортинг малакалари».
 - 19.30 «Футбол шакри».
 - 19.50 «Спорт».
 - 20.00 Кураш, Ўзбекистон чемпионати.
 - 20.40 «Боголим», Сервал.
 - 21.30 «Хабарлар» (узб. тилида)
 - 21.50 «Жди мени».
 - 22.40 ЕВРОФУТБОЛ. Испания чемпионати.
 - 00.15 «Тунгики ошда бўлисан».

БИРИНЧИ

- 5.00,9.05 Телеканал «Добро утро».
- 9.00 «Новости (с субтитрами)».
- 9.30 «Милас» Т/с.
- 10.30 «Контрольная закупка».
- 11.00 «Убойная сила» Т/с.
- 12.00 «Новости».
- 12.15 «Мадный прагвор».
- 13.20 «Детектив».
- 14.00 Друзие новости.
- 14.25 «Таня», «Простая».
- 15.00 «Новости (с субтитрами)».
- 15.15 «Завтра Стрельца». Зона для центра нападению».
- 16.00 «Огонь любви» Т/с.
- 17.00 «Федеральный судья».
- 18.00 «Вечерние новости (с субтитрами)».
- 18.20 «Жди мени».

- 19.10 «Починесса ширка» Т/с.
- 20.05 «Снег».
- 21.00,3.00 Время.
- 21.30 «Грозные ворота» Т/с.
- 22.30 «Односторонняя Америка».
- 23.25 «Триггера. Война в драме».
- 0.25 «Новые новости».
- 0.40 Мистический телер «Пулс».
- 2.10, 3.30 Х/ф «Комедия давно минувших дней».

РОССИЯ

- 05.00 «Добро утро, Россия!».
- 05.55 Т/с «Гражданские мальчики».
- 10.45,17.50 «Вести. Дежурная часть».
- 11.00,14.00,17.00,20.00 «Вести».
- 11.25,14.20,20.30 «Местное время. Вести — Москва».
- 11.45 Т/с «Гражданин начальник».
- 12.40 Х/ф «Коварные по мукам».
- 14.40 Т/с «Меняка».
- 15.35 «Суд идет».
- 16.30 «Куляги и партнеры».
- 17.30 «Местное время. Вести — Московская область».
- 18.05 Т/с «Женщина без прошлого».
- 19.00 Т/с «Розыгрыш лотар».
- 20.50 «Спокойной ночи, малыши!».
- 21.00 Мелодрама «Всегда говори «всегда»».
- 22.55 «Торжок».
- 23.55 «Вести +».
- 00.15 «Честный детектив».
- 00.45 «Синдром».
- 01.15 «Дорожный патруль».
- 01.35 Х/ф «За пределами Рязани».
- 03.20 «Комната смека».

НТВ

- 06.00 «Сегодня утром».
- 09.00 «Снедаем вели».
- 10.00,13.00,16.00,19.00,22.40 «Сегодня».
- 10.25 «Чрезвычайное происшествие. Обзор за неделю».
- 10.55 «Кульварий подвож».
- 11.55 «Калдарий вопро».
- 13.35 Т/с «Осыдаи».
- 15.35, 16.30 «Чрезвычайное происшествие. Обзор».
- 16.25,23.05 Т/с «Улицы разбитых фонарей».
- 19.40 Т/с «Закон и порядок».
- 20.40 Т/с «Формула спасения».
- 21.40 Т/с «Славна на войне».
- 00.05 «Шокола зловора».
- 01.00 «Шалтоплате».
- 01.30 Х/ф «Семеро смельч».
- 03.20 Т/с «Без следа 4».

КУЛЬТУРА

- 07.00 Кинал «Евроноски».
- 10.00,19.30,23.30 «Новости культуры».
- 10.20 «В главной роли».
- 10.50 Х/ф «Дни Кикот».
- 12.35 «Ливия жонин», М. Болрозий.
- 13.30 «Май Эрикатис».
- 14.00 Т/с «Следствие ведут ЗнаТоКи». Дело №17. «Он где-то здесь».
- 15.25 «Самарини и Пастернак: воскресение идеи».
- 15.55 «Порядок слов».
- 16.00 М/с «Жуки света с Вилли Фолк».
- 16.25 М/ф «Жили-были».
- 16.30 «Джуглиги ворюки».
- 16.55 Д/ф «Сократ».
- 17.05 Д/с «Африка у поверхности земли». «Скрытая сила бибуня».
- 17.55 «А. Пушкин. «Евгений Онегин»».
- 18.00 Д/ф «Фонтане. Обитель нищенствующих братьев».

- 18.15 «Достоиние республики». Раёгончи қосилган: обретенные колокола.
- 18.30 «БлокНОТ».
- 19.00 «Ночной полет».
- 19.55 Д/с «Завоеватели». «Царь Давид».
- 20.40 «Острова». Р. Недзиковская.
- 21.20 «Тайны забытых побед». «Оружие Победы. Т-34».
- 21.50 Д/ф «Мачу Пикчу. Руины города инков».
- 22.05 «Тем времена».
- 23.00 «Сказочное действие». «Список благодарений».
- 23.50 «Про АРТ».
- 00.20 «Экология литературы». Северная глава. Лео Уилс Эвансик.
- 00.45 Д/ф «Сатро».
- 01.20 Д/ф «Фонтане. Обитель нищенствующих братьев».
- 01.40 Д/с «Завоеватели». «Царь Давид».
- 02.25 «Музыкальный момент».

СТС

- 06.00 Т/с «Чудеса науки», 1 и 2 с.
- 06.55 М/с «Смешиаризи».
- 09.00 12.30 19.00 Т/с «Моя прекрасная няня».
- 09.20 22.00 Т/с «Патниги дечи».
- 10.00 22.00 Т/с «Одна ночь любви».
- 11.00 20.30 02.00 «История в деталях».
- 11.30 «То умнее, темпласовики?».
- 13.30 Т/с «Петя Великолепный».
- 14.30 Т/с «Воя такая везучая».
- 15.00 М/с.
- 17.30 «Ким Пил» с-плосси».
- 18.00 Т/с «Сабрина — маленькая ведьма».
- 18.50 «Талисман».
- 19.30 Т/с «Тайны Сиомелия».
- 23.00 Т/с «Короли игры».
- 00.00 Х/ф «Разборка в Бронксе».
- 01.45-6 кадиров».
- 02.30 Т/с.

ТВ3

- 08.00 М/ф.
- 09.15 М/с «Получие войско».
- 09.45 М/с «Улитер Менюк».
- 10.15 М/с «Ферма чужда».
- 10.30 М/ф.
- 11.30 Х/ф «Проклятие розовой пантеры».
- 13.30 17.00 Уолет за 23 минути.
- 14.00 22.00 «Разрушители мифов».
- 15.00 19.00 Т/с «Звездные врата», 112-115 с.
- 16.00 Т/с «Мастера фантастики. Младший брат», 6 с.
- 17.30 «Ули».
- 18.30 Т/с «Томми-оборотень», 6 с.
- 20.00 Т/с «Крепкой орешек Джейн», 17 с.
- 21.00 Т/с «Мидурин», 6 с.
- 23.00 Х/ф «Вояж менту».
- 01.00 Т/с «Ведьма», 6 с.
- 02.00 Х/ф «Поклонение пришельцам».
- Профилактика.

ТНТ

- 06.00 Т/с «Любовь и тайны Сансет Бич», 408 с.
- 06.55 «Глобальные новости».
- 07.00 13.30 19.00 Такси.
- 07.30 М/с «Приключения Джимми нейтронса, мальчиго-суперин», 3 с.
- 08.00 19.30 Москва: инструкция по применению.
- 08.30 «Тизно».
- 09.30 14.00 Т/с «Саша+Маша».
- 10.00 18.00 20.00 Т/с «Счастливые вместе».
- 11.00 М/с.
- 14.30 21.00 23.40 01.55 «Дом 2».
- 16.00 Боевик «Злоключики».
- 22.00 Комедия «Живие напрокат».
- 00.10 «Секс» с А. Чеховой.
- 00.40 «Наши песни».
- 00.55 Клуб бывших жен.

Хабар

- 5.55 Курстувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон».
7.00 «САРОЙ ЖАВОХИРИ» Т/с.
7.35 «Юртим бўйлаб» дастури: «Икки дераҳ оралида».
7.55 «Олтин мерос».
8.00-8.35 «Айборот».
8.35 «Мен бир ривоят».
9.40 «ШАХЗОДА ВА КАНИЗАҚ».
Видеofilm.
«Бойлар сайрасан».
9.20 «Йила, Ила, Top!» Телемусоба.
10.00 «Ака-ука Гримм арткалари». Мультсериял.
10.30 Д. Зокиров номидagi халқ чогулари оркестрининг концерти.
10.50 «Сизнинг адвокатингиз».
10.55-ТВ шифорол.
11.00 «Айборот».
11.15-АНЧИК ЕЛҒОН. Т/с.
11.50 «Айборот» (инглиз тилида)
12.00-Ассалом, Ўзбекистон! Кундаги дастури.
13.00-СҮНГГИ ҚИРОЛИЧА. Т/с.
13.55-Олтин мерос».
14.00-«Айборот».
14.20 Эски албом.
14.25-ТУРМУШ ЧОРАҲАЛАРИДА. Т/с.
15.10 «Юртим бўйлаб» дастури: «Икки дераҳ оралида».
15.30-Интеллектуал ринг».
16.15 2008 йил - Ёшлар йили. «Менинг университети».
16.35-«ИВВ хабарлари».
16.50-Наврўз наволари».
17.00-«Айборот».
17.10-«Олтин мерос».
17.20-Ўзбекистон аёллари».
«Болалар сайрасан»
17.40-Эрталак - яшашлик етаклар».
18.00-«Мен бир ривоят».
18.05-ТУРМУШ ЧОРАҲАЛАРИДА. Т/с.
18.55-Худудлар хаёти».
19.10-«Оналар оғушида».
19.25, 19.55, 20.55 Эълонлар.
19.30-«Айборот» (рус тилида)
 13.00 Марказ NEWS (рус)
 15.30 «Баби хитс»

16.00 Мультифилм
 17.00 «Премьера» (рус)
 18.00 Марказ NEWS (узб)
 18.30 Серилал «Жасгига ўқашини йўқ» 78-серия
 19.00 Марказ NEWS (рус)
 19.30 «СВОЙ ЧЕЛОВЕК» Х/ф. 10-серия
 21.30 Серилал «Жасгига ўқашини йўқ» 78-серия
 22.00 «ТЕРМИНАТОР-1» Х/ф.
 00.00 Миксер

Шанба

07.00 13.00 18.00 19.30 21.00
 Узбек навоилари
 08.30 Мировые хиты
 09.30 «Баби хитс»
 10.00 Мультифилм
 12.00 15.30 20.30 Мировые хиты
 14.30 Серилал «TALABALAR UZ» 17-18 сериялар
 16.30 «ИНГОЛАНТЯНИН» Х/ф.
 18.00 «Шанба оқшомида»
 20.00 «Премьера» (рус)
 22.00 «ТЕРМИНАТОР-2» Х/ф.
 00.25 Миксер

Якшанба

07.00 13.00 19.30 20.30 Узбек навоилари
 08.00 12.00 Мировые хиты
 09.00 «Шанба оқшомида»
 09.30 «Баби хитс»
 10.00 Мультифилм
 14.30 Серилал «Жасгига ўқашини йўқ» 74-78 сериялар
 17.00 Концерт
 19.00 «Садмоя дини»
 20.00 «Премьера» (узб)
 22.00 «ТЕРМИНАТОР-3» Х/ф.
 00.00 Миксер

RTR SPORT

Душанба

07.05 Гандбол. ЛН. Мужчины. «Китэ» (Гер.) - «Хевонис мадади» (Рос).
 08.45 11.00 13.45 19.55 23.15 03.35
 «Вести-спорт»
 09.00 «Зарда с чемпионом»
 09.15 М/ф «Шарена-пушхак», «Самый левша»
 10.00 «Зарда с чемпионом»
 10.15 «Родственные победы»
 10.45 «Мастер спорта»
 11.10 «Вести-спорт. Местное время»
 11.15 Лекция атлетика. Кубок Европы.
 13.55 Хоккей. ЧР. «Амур» (Х) - «Динамо» (Я).
 16.15 Кудо. Открытый ЧЕ.
 17.55 Плавание. ЧР.
 20.05 Хоккей. ЧР. «Металлург» (М) - ЦСКА.
 22.00 50 Баттон. ЧМ
 23.35 Бобслей. ЧМ. Команды.
 00.45 «Навигатор спорта»
 03.45 Прокат на лыжах с трамплина. Кубок мира.

Сешанба

06.10 Хоккей. ЧР.
 06.00 «Летоника спорта». Большой хоккей.
 06.45 11.00 14.50 20.40 23.05 «Вести-спорт»
 09.00 «Зарда с чемпионом»
 09.15 М/ф «Волшебник Изумрудного города»
 09.35 М/ф «Что нового, Скоуби-Ду?»
 10.00 «Зарда с чемпионом»
 10.15 Т/с «Свои команды»
 10.45 «Мастер спорта»
 11.10 «Навигатор спорта»
 12.10 Хоккей. ЧР.
 14.15 «Сборная Россия» А. Витченко.
 16.00 Кудо. Открытый ЧЕ.
 16.50 «Навигатор спорта»
 17.55 Плавание. ЧР.
 20.30 «Скоростной участок»
 21.20 23 Баттон. ЧМ.
 00.30 Футбол. ЛН. 1/8 финала.
 02.45 Футбол. ЛН. 1/8 финала.
 02.45 Футбол. ЛН. 1/8 финала. «Ромы» (Ита). - «Реал» (Исп)

Чоршанба

06.40 Футбол. ЛН. 1/8 финала.
 «Ливерпуль» (Анг) - «Интер» (Ита).
 06.45 11.00 15.05 20.50 «Вести-спорт»
 09.00 «Зарда с чемпионом»
 09.15 М/ф «Волшебник Изумрудного города»
 09.40 М/ф «Что нового, Скоуби-Ду?»
 10.00 «Зарда с чемпионом»
 10.15 Т/с «Свои команды»
 10.45 «Мастер спорта»
 11.10 «Скоростной участок»
 11.40 Футбол. Обзор ЛН.
 12.55 Баттон. ЧЕ. Мужчины.
 15.15 Пробокс. Марко Антонио Баррера - Хун Мануэл Маркос.
 16.50 Футбол. Обзор ЛН.
 17.25 «Путь Дракона»
 17.55 Плавание. ЧР.
 20.25 Баттон. ЧЕ. Женщины.
 22.00 Баскетбол. Евролига. Мужчины. ЦСКА (Рос) - Барселона (Исп).
 00.30 Футбол. ЛН. 1/8 финала. «Ливерпуль» (Анг) - «Манчестер Юнайтед» (Анг).
 02.45 Футбол. ЛН. 1/8 финала.
 02.45 Футбол. ЛН. 1/8 финала. «Арсенал» (Анг) - «Милан» (Ита).

Пайшанба

06.50 Баскетбол. Евролига. Мужчины. ЦСКА (Рос) - Барселона (Исп).
 06.45 11.00 15.10 20.55 02.45 «Вести-спорт»
 09.00 «Зарда с чемпионом»
 09.15 М/ф «Волшебник Изумрудного города»
 09.35 М/ф «Что нового, Скоуби-Ду?»
 10.00 «Зарда с чемпионом»
 10.15 Т/с «Свои команды»
 10.45 «Мастер спорта»
 11.10 «Путь Дракона»
 11.40 Футбол. Обзор ЛН.
 12.55 «Рыбалка с Раздвизивскими»
 13.10 Волейбол. ЛН. Мужчины. 1/8 финала. «Динамо» (Рос) - «Фридрихсхафен» (Гер).
 15.20 «Летоника спорта». Большой теннис.

15.55 Волейбол. ЛН. Мужчины. 1/8 финала. «Астрабобской Вегель» (Пол) - «Динамо» ТТТ (Рос) - «Марсель» (Фран).
 17.55 Плавание. ЧР.
 20.25 ЧМ по полетам на лыжах.
 21.30 Футбол. Кубок УЕФА. 1/16 финала. «Спартак» (Рос) - «Марсель» (Фран).
 23.35 «Рыбалка с Раздвизивскими»
 00.10 Футбол. Кубок УЕФА. 1/16 финала. «Вильярреал» (Исп) - «Зенит» (Рос).
 02.55 Футбол. Кубок УЕФА. 1/16 финала.

Жума

06.40 Футбол. Кубок УЕФА. 1/16 финала. «Спартак» (Рос) - «Марсель» (Фран).
 08.45 11.00 15.25 20.10 22.30 01.50 «Вести-спорт»
 09.00 «Зарда с чемпионом»
 09.15 М/ф «Что нового, Скоуби-Ду?»
 09.35 М/ф «Что нового, Скоуби-Ду?»
 10.15 Т/с «Свои команды»
 10.45 «Мастер спорта»
 11.10 «Тоника орыш»
 11.40 Скеттон. ЧМ. Мужчины.
 12.55 Баттон. ЧЕ. Спортс. Мужчины.
 14.30 Скеттон. ЧМ. Женщины.
 15.35 «Скоростной участок»
 16.10 «Рыбалка с Раздвизивскими»
 16.25 Баттон. ЧЕ. Спортс. Женщины.
 17.55 Плавание. ЧР.
 20.25 ЧМ по полетам на лыжах.
 22.55 Пробокс. Дэвидсон Пеналоса - Даниэль Понос де Ласен.
 00.05 Баттон. ЛН. Женщины. «Звезда» (Рос) - «Хитэ» (Анг).
 02.00 Футбол. ЧР. Мужчины. «Динамо» (М) - ЦСКА ВВС (С)

Шанба

06.55 Футбол. Кубок УЕФА. 1/16 финала. «Вильярреал» (Исп) - «Зенит»

(Рос).
 09.00 11.00 15.05 19.35 00 25 02 40 «Вести-спорт»
 09.10 Скеттон. ЧМ. Мужчины.
 09.45 ЧМ по полетам на лыжах.
 11.10 «Вести-спорт. Местное время»
 11.15 «Летоника спорта» «Королева спорта» в мексике
 11.50 Пробокс. Дэвидсон Пеналоса - Даниэль Понос де Ласен.
 13.00 Бобслей. ЧМ. Четириро.
 13.55 Баттон. ЧЕ. Гонка преследования. Мужчины.
 15.15 Футбол. Журнал ЛН.
 15.50 Азиатский. Гонка звезд «За рулем»
 18.00 Баттон. ЧЕ. Гонка преследования. Женщины.
 18.55 Хоккей. ЧР. ЦСКА - Салават Юлаев (У).
 21.15 Азиатский. Гонка звезд «За рулем»
 21.45 Волейбол. ЧР. Мужчины. «Динамо-ТТТ» (К) - «Искра» (О).
 23.45 Бобслей. ЧМ. Четириро.
 00.45 «Вести-спорт. Местное время»
 00.55 Регби. «Кубок шести наций». Франция - Англия.
 02.50 ЧМ по полетам на лыжах.

Якшанба

06.50 Футбол. ЛН. 1/8 финала.
 09.00 11.00 15.55 18.40 00 30 03 00 «Вести-спорт»
 09.10 Скеттон. ЧМ. Женщины.
 09.45 ЧМ по полетам на лыжах.
 11.15 «Вести-спорт. Местное время»
 11.15 Страна сплетников»
 11.55 Регби.
 13.55 Баттон. ЧЕ. Мужчины.
 15.15 Баттон. ЧЕ. Женщины.
 18.00 Бобслей. ЧМ. Четириро.
 18.55 Хоккей. ЧР.
 21.10 ЧМ по полетам на лыжах.
 22.55 Гандбол. ЛН. Мужчины. «Игри» - «Хевонис мадади»
 00.55 «Вести-спорт. Местное время»
 02.50 Футбол. Обзор Италия.
 03.10 Баттон. ЧЕ. Эстафета.

● JAHON POCHTASI

Исроил почтаси

УЛКАН ИСЛОҲОТЛАР
БЎСАҒАСИДА

(Охири. Аввали ўтган сонларда.)

Бизнес
бизнесдек бўлса...

Меҳнат харажатларини камайтириш ва акси:чча, молиявий натижаларни ошириш ҳаракатида юрган Исроил почта компанияси раҳбарлари турли ноанъанавий чораларни қўллашга мажбур бўлишяпти. Масалан, яқин уч йил ичида компаниядаги 500 иш ўрнини қисқартириш мўлжалланган. Ўтган йил ёзида эса миҳозлар оғоҳлантирилмасдан туриб, беш кунлик иш ҳафтасига ўтилди. Аммо компания раҳбариятининг баёнот беришича, хавотирга асос йўқ — бу жараён босқичма-босқич 2008 йил ниҳосига қадар амалга оширилади.

Исроил ҳукумати янги почта тарифлари тўғрисида тарқатган хабарга кўра, улар 9-12 фоизга ошган, баъзи хизматлар, масалан, 1 килограммгача бўлган жўнатмаларни жўнатиш 50 фоизга қимматлашган. Тарифларнинг осмонга чиқиб кетишини компания раҳбарияти "почта фаолият юритаётган янги муҳит" ҳамда қўшимча қиймат солиғи тўлаш мажбурияти (Исроилда тузилган исталган битим учун 16,5 фоизлик ҚҚС белгиланган)дан келиб чиқиб изоҳлади ва миҳозлари учун қўлай нархларда рақобатбардош хизматлар жорий этишни ваъда қилди.

Интернет-провайдер

2006 йилдан Исроил почтаси интернет хизматлари бозорига чиқиш орқали фаолиятини кенгайтиришда давом этди. Ҳозирча электрон почта йўналишида миҳозларга почта қутилари ва хизматлар тақдим этилмоқда. Ташкилот бу соҳадаги асосий даромадни интернет-рекламадан олишни режалаштирган. Шу тарзда Исроил почтаси худди бутун дунё почта операторлари сингари анъанавий хизматларни электрон кўринишдаги хизматларга мувофиқлаштириш йўлидан бораётир. Бу борада электрон почта қутилари бошқа хизматлар, масалан, қозоғга чиқарилиб манзилга етказилувчи гибрид почта ёки махсус маълумотлар базасида рўйхатга олинандиган ва сақланадиган кичик бизнесга доир электрон почта жўнатмалари соҳасида ҳам татбиқ этишни айнан юқорида таъкидланган ишларга мисол сифатида келтириш мумкин. Аини пайтда Исроилда янги лойиҳа кўриб чиқилляпти, унга кўра ҳукумат қозоғ хужжатлардан воз кечиб, тўлиқ электронлашади. Бу жараёнда Исроил почта компанияси бош ролни ўйнашга астойдил даъвогарлик қилляпти.

Э Ў Л О Н !

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» акциядорлик компанияси акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2008 йил 11 март куни соат 10:00да Тошкент шаҳар, А.Темур кўчаси, 24-уйда жойлашган компания бош офисининг мажлислар залида бўлиб ўтади.

КУН ТАРТИБИ:

1. «Ўзбектелеком» АК акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш тўғрисида.
2. «Ўзбектелеком» АК Уставига қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш соат 9.00да бошланади.
Акциядорлар реестри 2008 йил 9 феврал ҳолатига ёпилган.
Акциядорлар шахсини тасдиқловчи ҳужжатларга эга бўлишлари лозим.
Акциядорлар вакилларида ишончнома ва паспорт талаб қилинади.

Мурожаат учун телефонлар:
139-23-84, 234-96-30

«Ўзбектелеком» АК Кузатов кенгаши



ALOQA OLAMIDA

ҲАР ИККИ КИШИГА БИР ТЕЛЕФОН

БМТнинг Халқаро телекоммуникациялар иттифоқи мутахассислари бу йил мобил телефондан фойдаланувчи абонентлар сони 3,3 миллиардга етади, дея хулоса чиқаришди — бу сайёрамиз аҳолисининг 50 фоизидан кўп демакдир. Таққослаш учун — 2000 йилда Ер шарининг фақат 12 фоиз аҳолиси мобил телефонга эга эди.

Абонентлар сони асосан Россия, Хитой, Ҳиндистон ва Бразилия каби ривожланаётган мамлакатлар ҳисобига ошади. Ўтган йили ушбу мамлакатларда уяли алоқа хизматлари миҳозларининг умумий сони 1 миллиардга етганди. Аммо шуни ҳам унутмаслик керакки, юқоридаги рақамлар ҳар икки кишининг бири мобил телефонга эга бўлишини аналтмайди. Олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра, 60дан зиёд мамлакатда бир йўла икки-уч телефондан фойдаланувчи миҳозлар кўпчиликини ташкил этаркан.



СПАМЛАРНИНГ
ЧЕКИ БОРМИ?!

Sophos компанияси кераксиз электрон хат-хабарлар (спамлар) сони бўйича етакчи мамлакатларнинг чорак рейтингини эълон қилди.

Биринчи ўринда ҳамон АҚШ пешқадам — жаҳон бўйлаб жўнатишган спамларнинг 28,4 фоизи мазкур мамлакатга қаратилган. Кейинги ўринда 8,3 фоизлик кўрсаткич билан Россия жойлашган. Шунингдек, Хитой, Бразилия, Жанубий Корея, Туркия, Италия, Польша, Германия, Испания, Мексика ва Буюк Британия ҳам спамерлар ҳужумига кўпроқ учрамоқда.



ФИРИБГАРЛАР
ҲИБСДА

Испанияда полиция амалиётлари натижасида интернет-фирибгарликда гумон қилинган 76 шахс ҳибсга олинган. Улар онлайн савдоларда алдов йўли билан ўзгалар пулини ўзлаштирганликда айбланыпти.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳибсга олинганлар уюшган жиноятчилар эмас, улар алоҳида ҳаракат қилишган.

Фирибгарлар етказган умумий зарар уч миллион евро дея баҳоланган. Испания ва бошқа мамлакатларда яшовчи бир неча минг киши алдов қурбони бўлди.

Кўлга олинганлар МДХ, Европа ва Лотин Америкаси мамлакатлари фуқароларидир.

GOOGLE
АРЗОНЛАШДИ

Жаҳоннинг энг йирик интернет-қидирув тизими — Google компанияси акциялари баҳоси охириги беш ойда илк мартаба 500 долларлик минимал кўрсаткичдан пасайган ва 20 долларга арзонлашган ёки 4 фоизга қадрсизланган. Бу ҳолат жорий йилнинг 1 феввалида рақиб компания — Microsoft яна бир рақиб — Yahoo! онлайн-қидирув тизимини ўз таркибига қўшиб олиш таклифини билдирганидан сўнг юз берди. Microsoft Yahoo! учун 44,6 миллиард доллар тўлашга розилигини билдирган. Бу Yahoo! компанияси бозор баҳосидан 62 фоиз юқоридир. Орадан тўрт кун ўтиб компания акциялари деярли тўрт фоизга (1,08 доллар) қимматлашди. Бу ҳолат, албатта, интернет бозорига етакчиликни бой беришни истамаётган Google компаниясини хавотирга солиб қўйди...

Аини пайтда Google компаниясининг қиймати 155 миллиард АҚШ долларини ташкил этади.

Собит АҲАДОВ тайёрлади



Маълумки, жорий йилнинг январидан Motorola мобил телекоммуникация қурилмалари бўлимини сотувга қўйиши мумкинлигини билдирганди. Мутахассислар компаниянинг мобил бизнесини 9-12 миллиард долларга баҳолашмоқда ва эҳтимолй харидорлар сифатида электроника соҳасининг турли йўналишлари ишлаб чиқарувчилари — Dellдан тортиб Huawei Technologiesгача Motorolaнинг "вориси" бўлишини тахмин қилишмоқда.



Бобур

Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидур,
Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидур.
Яхши киши кўрмагай ёмонлик ҳаргиз
Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидур.

Навоий шарафи яшар муқаддас



Навоийни ўқиш, англашнинг ўзи бир бахт, буюк меросини ўрганиш, у билан ҳамнафас бўлиб яшаш эса чиндан ҳам саодат. Бу бахт авлодлардан-авлодларга ўтиб, бизга ҳам насиб этди. Унинг газалларини ўқиб ором олмаган, ўлмас сатрларидан яралган кўшиқларни ҳузур билан тингламаган кишини топиш қийин, албатта.

Буюк мутафаккир, ғазал мулкининг султони Алишер Навоийнинг муборақ таваллуд куни ҳар йили унинг вилоят марказида қад ростлаган муаззам ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйиш билан бошланади. Бу йил ҳам улуғ шоир номи билан аталган вилоятда шоирнинг 567 йиллиги ана шу ердан, ана шундай бошланди.

Навоийшунос олимлар, ижодкорлар, зиёлилар Навоий ижодига чексиз эҳтиромларини ўз сўзларида ва шеърларида ифода этдилар.

Шоир таваллудига бағишланган тантаналар вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида давом этди. Навоий шаҳридаги Ўқувчилар ижодиёт марказида вилоят ҳокимлиги, А.Қодирий номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази ҳамда вилоятдаги ҳарбий қисм ҳамкорлигида ўтказилган "Буюк шоирни ёд айлаб" мавзусидаги китобхонлар анжумани ана шундай тадбирлардан бири бўлди.

— Навоий ижодини нафақат туғилган куни муносабати билан, балки ҳаммиша, ҳар вақт ўрганишимиз, уни ёд билишимиз даркор, — дейди анжуман ташкилотчиси Ш.Бақоева. — Чунки, неча-неча асрлар оша назм бўстонидан султон Ҳазрат Навоийнинг ўлмас ижоди ва буюк сиймоси биз учун муқаддас ифтихор бўлиб қолади.

Буюк мутафаккирнинг асарларини ҳар гал ўқиганда янги сўз, янги туйғу, янги мўъжизани кашф этгандек бўлади киши. Йиллар ўтаверади, неча-неча асрлар бўйи йўлимизни, дилимизни маърифат чирогидек ёритиб келаётган бу буюк сиймо асарлари ёдимизда янги оҳанг бўлиб жаранглайверади, қалбимизга эл меҳрини, Ватан муҳаббати, мадҳини жойлайверади.

Маруса ҲОСИЛОВА,
"Хабар"нинг Навоий вилоятидаги муҳбири

Тошкент ахборот технологиялари университети Маънавий-ахлоқий тарбия ишлари бўлими томонидан ташкил этилган адабий-бадний кеча "Мангуликка дахлдор сиймолар" деб номланиб, Алишер Навоий таваллудининг 567 йиллигига бағишланди.

Кечада талабалар шоирнинг ҳаёти, ижоди акс эттирилган театрлаштирилган кўринишларни юксак маҳорат билан намойиш этдилар. Навоий газаллари билан куйланган кўшиқлар тадбирга ўзгача кайфият бахш этди.

Маҳфуза ЙЎЛДОШЕВА,
ТАТУ талабаси

Нодира номидаги Наманган вилояти ахборот-кутубхона марказида вилоят Маънавият ва маърифат кенгаши, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими, Наманган муҳандислик-иқтисодиётинститутининг қошидаги Академик лицей ҳамда ахборот-кутубхона маркази ҳамкорлигида шеърят султони Алишер Навоий таваллудига бағишланган "Навоий маънавияти — комил инсон маънавияти" деб номланган адабий кеча бўлиб ўтди.

Кечани ахборот-кутубхона маркази директори Мавлудахон Жўрабоева олиб борди. Унда вилоят ёзувчилар уюшмаси раиси Зиёвиддин Мансуров, Наманган Давлат университети ўқитувчиси Фаридохон Каримова, болалар шоираси Тўхтахан ая Раҳимовалар сўзга чиқишиб, Алишер Навоий ҳаёти ва фаолияти ҳақида гапиришди, унинг шеърларидан парчалар ўқиди. Кечага йиғилган китобхонларга Академик лицей талабалари томонидан шоир асарлари бўйича тайёрланган саҳна кўринишлари намойиш этилди.

Ҳасанбой ТОЖИБОЕВ,
"Хабар"нинг Наманган вилоятидаги муҳбири

NAZM GULSHANI

ДУО

Аждодлар руҳига ўқиймиз дуо:
Уларга жаннатни ўзинг кўр раво,
Дунёдаги ёлғиз тилагимиз шу:
Юртни имонсиздан асра, эй, Худо!

БАХТ

Бахт ўзи нима, деб сўрсалар мендан,
Оддий ҳақиқатни айтаман аста:
Бахт бу — оилангга омон яшасанг,
Ҳаётга қарасанг ҳар дам ҳақасла.

ҲАЁТНИ СЕВСАНГ

Куйга солсанг, умринг газал бўлади,
Нолийверсанг, ундан азал бўлади,
Меъёрнинг сирини бермаган Тангрим,
Ҳаётни севсанг, у гўзал бўлади.

СОҒИНЧ

Не десанг деку-я, дўстим, азизим,
Тоғларнинг қояси чорлайди мени.
Ёшлигим, Алпомиш, сени соғиндим,
Боғларнинг сояси, соғиндим сени.

КЎНГИЛ

Йигитлик гулшани ўтди, ҳур кетди,
Кўнглим чаноғида сирли дур ўтди.
Мен қаён билибман, кўнглим чоғига
Кўлларим узатсам бир озор етди.

БАҲОР

Йиллар ўтиб армонларим йитилди,
Илк ёмғирдай кўз ёшларим ситилди;
Қайта-қайта келаверар бу баҳор,
Дардим кетди, юрагим бахтга тўлди.

ВАТАН

Қаъбага бормадим, қаъбам — Ватаним,
Аллоҳнинг неъматини жоним ва таним;
Жон фидо қилмоққа қаъбам бор экан
Бекорга ўтмасин бир зум ҳам дамим.

ЖОҲИЛ

Олам гўзал, десанг ишонади кўр.
Буни жоҳил касга қани, айтиб кўр?!
Сўқирнинг кўзлари ёнар қувончдан,
Жоҳилнинг ҳасаддан куйганини кўр.

Маҳмуд ЙЎЛДОШЕВ

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-сонли қарори билан тасдиқланган "Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низом"нинг 49-бандига асосан:

"TELECOM INC" кўшма корхонасининг (Тошкент шаҳри) аризасига мувофиқ кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0000216 рақамли;

"ALI-DENT" хусусий фирмасининг (Тошкент шаҳри) аризасига асосан ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001225 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2008 йил 5 февралдан тўхтатилди.

Табрик.бай.миз!

Сурхондарё радиотелевизион узатиш марказининг Вахшвор станцияси ходими Фарҳод МЕНГЛИЕВНИ ҳамкасблари таваллуд топган куни билан кутлайди ва унга соғлиқ-омонлик тилайди.

"Фаргона Телеком" филиали жамоаси Ўзбекистон тумани телекоммуникациялар боғламаси электромонтери Хосиятхон ҚУРБОНОВА ҳамда Сўх тумани телекоммуникациялар боғламаси оператори Рита ЭГАМБЕРДИЕВНИ 50 ёшга, филиал ишчиси Абдулазиз ТОШПҮЛАТОВНИ 55 ёшга тўлиши муносабати билан чин юракдан табриклайди. Уларга мустаҳкам саломатлик, узоқ умр, оилаларига тинчлик-омонлик тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фаргона филиали ҳамда вилоят алоқа ходимлари бирлашган касба уюшмаси кўмитаси жамоалари Охунбоев туман почта алоқаси тармоғи ҳайдовчиси Қаҳҳор ЙЎЛДОШЕВНИ 50 ёшга тўлиши муносабати билан самимий кутлайди. Унга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, фарзандлар роҳатини кўриб яшашликни тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қорақалпоқ филиали Оқмангит почта алоқаси тармоғи жамоаси тармоғи бошлиғи Клара МУСАҚУЛОВНИ таваллуд топган куни билан табриклайди.

Унга узоқ умр, оилавий тотувлик, ишларида ривож тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фаргона филиали Тошлоқ почта алоқаси тармоғи ходимлари Ахшук алоқа бўлими хабарчиси Фанижон АСРОНОВНИ 50 ёшга тўлиши муносабати билан табриклайди. Унга узоқ умр, соғлиқ, оилавий хотиржамлик тилаб қолади.



ТИЛ ЎРГАТИШ ВА КОМПЮТЕР САВОДХОНЛИГИ БЎЙИЧА ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН ЎҚУВ МАРКАЗИ

НАТИЖА БИРИНЧИ ДАРСДАНОК

1-РАҚАМЛИ ЎҚУВ МАРКАЗИ

Effective Study

Хизматлар лицензияланган

Марказ шартнома орқали таълим муассасалари, элчихоналар ва ташкилотларга бориб, дарс ўтиш имкониятига ҳам эга.

Машгулотлар Улуғбек ХАСАНОВнинг услуги бўйича олиб борилади.

Тел.: Навоий — 226-0007
Бухоро — 223-2569
Тошкент — 281-4400
383-2000 (узулксиз).

Манзил: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси-30.

ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR TAVALLUDINING 525 YILLIGIGA

Захириддин
Муҳаммад БОБУР

ТОПИЛМАС

Сендек манга бир ёри
жафокор топилмас,
Мендек санга бир зори
вафодор топилмас.

Бу шакл-у шамойил била
худ хур-у парисен,
Ким жинси башар ичра
бу миқдор топилмас.

Ағёр кўз олида-у ул ёр аён йўқ,
Фам хори кўнгил ичра-ю
гамхор топилмас.

Эй, гул, мени зор етмаки
хуснинг чаманида,
Кўзни юмуб очкунча,
бу гулзор топилмас.

Бобур сени чун ёр деди,
ёрлиг этил,
Оламда кишига йўқ эса,
ёр топилмас.

Биз учун азиз ва қадрли буюк боболаримиз — дунё тамаддунига улкан ҳисса қўшган машҳур тарихий шахслар ҳаёти ва фаолиятини халқимиз онгига етказишда, уларда фахр ва ифтихор туйғусини оширишда кино ва театр санъатининг аҳамияти катта. Утган асрнинг 90-йилларида Ўзбекистон телевидениеси орқали намойиш этилиб, одамлар қалбидан чуқур жой олган “Бобур” видеофилми ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Улуғ бобомиз, буюк давлат арбоби, истеъдодли саркарда, нозик қалб шоир Захириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 525 йиллиги юртимизда кенг нишонланаётган ажойиб кунларда видеофилмда бош ролни ижро этиб, шухрат топган ва халқимизнинг сеvimли санъаткорига айланган Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти, Халқаро Бобур мукофотининг совриндори Муҳаммадали АБДУҚУНДУЗОВ билан сўхбатлашдик.



Бобур талқинига
топилган шухрат

“Бобур” ҳақида
ёзувчиларга
эти сўхбат
топилган бўлиб.
Муҳаммадали
Абдуқундузов

МАРКАЛАРДА
БОБУР ТАСВИРИ

Ўзбек классик адабиётининг атоқли шоири, истеъдодли саркарда Захириддин Муҳаммад Бобур таваллудига 525 йил тўлди. Ушбу санага бағишлаб “Захириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 525 йиллиги” почта маркалари тўплами муомалага киритилди.

Куни кеча “Тошкент почтамати” биносида ушбу почта маркаларининг тақдими ва хотира тамғаси билан маркаларни махсус сўндириш тадбири бўлиб ўтди.



“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ томонидан тайёрланган ушбу маркалар тўпламида шох ва шоир Бобурнинг “Бобурнома” асаридан олинган портрети ва унинг саркардалик фаолиятига бағишланган миниатюралар тасвирланган.

Буюк бобокалонимиз таваллудининг 525 йиллигига бағишлаб ишлаб чиқарилган махсус хотира тамғасида Бобур қиёфаси ақс эттирилган. Ўзбек тилининг лотин алифбосида “Zahiriddin Muhammad Bobur tavalludining 525 yilligi” сўзлари ёзилган, махсус хотира тамғаси туширилган жой ва сана кўрсатилган.

Ушбу почта маркалари тўплами ва махсус хотира тамғаси муаллифи — Ю. Юсупалиева.

— Муҳаммадали ака, Бобур роли ижросига қадар буюк бобомиз ҳаёти ва ижодига қай даражада яқин эдингиз?

— Фаргона вилоятининг Ўзбекистон тумани, Яйпан қишлоғида таваллуд топганман. Демокриманки, Захириддин Муҳаммад Бобурдек таниқли инсон туғилган вилоят бизга ён қўшни. Мактабда адабиёт, тарих фанларида илк бор таниганим бу улуғ инсонни ўқувчилик давриндаёқ яхши кўрдим. Бирор юмуш билан Андижонга бориб қолсам, назаримда у кишининг руҳи мен билан ёнма-ён юргандек бўларди, ҳақжонлардим. Пиримкул Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романини катта қизиқиш билан ўқиб чиқаним, Бобурнинг изтиробли ҳаёт йўли юрагимда чуқур из қолдиргани эсимда. Институтни битириб, Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят театрига ишга борганман. 1985 йил, 9 май куни вилоят театрида спектакл қўйганмиз. Спектаклдан кейин бош шифокор Муҳаммадали ака билан сўхбатлашиб ўтирдик. У киши “Муҳаммадали, сиз бахтли инсонсиз. Сиздаги иқтидор, ширали товуш ҳаммани лол қолдиради. Армонингиз ҳам борми?” дея сўраб қолдилар. Бор, албатта. Лекин унинг ушалишига ишонмайман. Мен шох ва шоир бобомиз Бобур ролини ўйнамоқчиман. Унинг ушалмаслигига сабаб пойтахтдан йироқданман, дедим. Ушанда “Юлдузли тунлар” романи асосида “Бобур” видеофилми устида иш бошланган пайтлар эди. Муҳаммадали ака “Термиз кўлаб буюк инсонлар яшаб ўтган азиз маскан. Келинг, биргаликда ният қилайлик. Зора, армонингиз ушалиб, бобомиз Бобур роли орқали машҳур бўлиб кетсангиз”, дедилар. Шу ният ижобат бўлиб, Сурхондарёдан Тошкентга — Ўзбек Миллий академик драма театрига ишга тақлиф этилдим. Дастлаб Иззат Султоннинг “Абдулла Қодирийнинг ўтган кунлари”да Қодирий ва Отабек ролларини ўйнадим. Кейинчалик “Бобур” видеофилмидаги бош ролни ижро этиш менга насиб этди.

— Илк бор Бобур роли тақлиф этилганда ўзингизни қандай ҳис қилдингиз?

— Тўғриси айтсам, аввалига жуда хурсанд бўлдим. Лекин Бобур қиёфасига киргач, дилимда шундай ҳадик ва кўркуч пайдо бўлдики, асти қўяверинг. Шунда устоз санъаткор Наби Раҳимов тасалил бериб, “Ўғлим, сира кўркунг. Ушбу кийимда айнан Бобурнинг ўзига ўхшадингиз. Фақат бир нарсани, Бобур шох, саркарда, шоир бўлса-да, унинг

ҳазрати инсон бўлганлигини унутманг. Ролга ҳам шу нуқтаи назардан ёндашинг”, дедилар. Мен устоз ўғитларига амал қилиб, кам бўлмадим, албатта.

— Видеофилм қанча муддатда, қаерларда суратга олинган?

— Видеофилм ўн тўрт ой давомида Самарқанд, Андижон, Бухоро, Наманган, Тошкент вилоятларида, Ўш ва Туркистонда, Ҳиндистон воқеалари эса Сочи шаҳрида суратга олинган. Биринчи кадрлар Самарқандда олинди. Илк бор Бобур кийимларини кийишдан олдин бобомиз Амир Темури қабрларини зиёрат қилиб, Қуръон оятларидан тиловат қилдик. Ҳаммасларим чиқиб кетишганидан кейин ҳам анча ўтирдим. Ушанда қалбимдаги ҳадик ўрнини ўзимга ишонч эгалладим. Ишга ўзгача ғайрат-шижоат билан қатъий киришдим. Видеофилмни суратга олиш ишлари шу даражада тез ва силлиқ кетдики, айрим воқеалардан ўзим ҳам ҳайратда қолардик. Масалан, “Қамал” сахнасини Бухорода суратга олганмиз. Отлар Тошкент отчопаридан олиб борилган. Чопагон отлар тўқнашиб келиб, фалокат содир бўлишига оз қолди. Лекин Аллоҳ сақлади, ҳаммаси изига тушди. Ёки Сочи воқеасини олайлик. У ерда суратга олиш ишлари тугаб, тезда Тошкентга қайтишимиз керак бўлиб қолди. Об-ҳаво ноқулайлиги сабаб аэропортда кўлаб шахарларга учиб тўхташилди. Энди нима қиламиз, деб асабийлашиб ўтирсак, Тошкентга учиб эълон қилиниб қолса бўладими. Эсон-омон, ўз вақтида етиб келганмиз.

— Салкам икки йил Бобур қиёфасида суратга тушдингиз. Бобур бўлиб яшадингиз гўё. Бунинг шахсий ҳаётингизда ҳам таъсири бўлдики?

— Суратга олиш ишлари тугагач, анча вақтгача мен учун азиз ва қадрдон бўлиб қолган одамни йўқотгандай маҳзуналик қолдим. Ахир, шунча вақт давомида дунёга таниқли буюк шахс қиёфасида яшадим. Унинг азобу уқубатлари, қувонч изтиробларини ўз бошимдан кечирдим. Ва ҳис қилдимки, бундан кейин ҳам ана шу улуғ номга муносиб бўлиб яшамоғим керак. Шунинг учун ҳам салбий ролларда ўйнамадим (буни томошабинлар ҳам илтимос қилишган). Ҳар бир ишда, ҳатто ўйнаган киноларимда ҳам воқеаларга Бобурнинг феъл-атворидан келиб чиқиб муносабатда бўляпман.

— Масалан...
— Режиссёр Рустам Саъдиевнинг “Наҳотки, сен” филмида “янги ўзбек”лардан Қодир ака ролини талқин қилдим. Ўша

филмда бир жойи бор: Қодир аканинг ўғли санъаткор қизни яхши кўриб қолади. Бу отага ёқмайди. Сценарий бўйича Қодир ака қиз билан учрашиб, қаттиқ гапларни гапириши керак эди. Менинг Қодир акам эса уни чақиртириб, дилига озор бермаган ҳолда ётиги билан тушунтиради. Унинг аввало бировнинг фарзанди эканлигини, қиз болалигини унутмайди. Бобур ҳам онасига, синглиси Хонзодабегим ҳамда рафиқасига қай даражада юксак эҳтиром кўрсатган, уларни авайлаган, қадрини кўларга кўтариб яшаган. Эслайсизми, Бобур Ҳиндистон тахтига ўтирганида малика Байда унинг хузурига кириб, пойига тиз чўқади. Шунда Бобур маликани елкаларидан ушлаб тургизди. “Сиз онасиз, — дейди у. — Сиз юксак эҳтиромга сазовор инсонсиз. Туринг, нима юмуш билан келган бўлсангиз-да мен истагингизни бажо этаман”. Оиламизда эса рафиқам — театризмнинг мураккаб сюжетлар бўйича махсус пардозчи-рассоми Валентина Николаевна билан маслаҳатлашган ҳолда невараларимизга Шохруҳмироз, Мумтозмахалбегим, Муҳаммадбобур, Муҳаммадали дея исм қўйганмиз.

— “Бобур” видеофилмининг чет элларда ҳам кўришадими?

— Албатта. “Бобур” видеофилми Туркия ва Покистон республикаларида намойиш этилган илк ўзбек видеофилмидир. Мазкур видеофилмга Навоий мукофоти берилгани ҳам бежиз эмас.

— Ҳар йили 14 феврал Захириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кун сифатида кенг нишонланади. Бу кунни қандай қутиб оласиз?

— Мирзо Бобур юрагимнинг бир парчасига айланган, десам хато бўлмайди. Шу сабабли, ҳар йили мазкур сана яқинлашаверса қалбим ҳаяжонга тўлади. Қолаверса, мени ҳам тантаналарга тақлиф этишади. “Бобур” видеофилмининг парча ижро этиб беришимни илтимос қилишади. Бундай хурмату эъзоздан хурсанд бўламан.

— Мазмунли сўхбатингиз учун раҳмат. Бундан кейин ҳам элга манзур бўларли роллар ижро этишингизга тилақдошимиз.

Муборак МИРКАМОЛОВА
сўхбатлашди

SAVOL VA JAVOB

ПУЛИТЦЕР МУКОФОТИ КИМЛАРГА БЕРИЛАДИ?

Ушбу мукофот адабиёт, журналистика, musiqa ва театр соҳасида эришилган ютуқлар учун берилади. Таъсисчиси келиб чиқиши венгриялик бўлган газета мағнати Жозеф Пулицтердир. У ўз кўл остида чиқадиган газеталарда мушоҳадага бой сиёсий мақолалар, спорт янгилликлари, журналистик суриштирув, хотин-қизлар муаммолари, жамият ҳаётининг турли қатламларига оид шов-шувли воқеаларни бериб бориш билан ўқувчилар эътиборига тушганди.



Жозеф Пулицтер 1911 йилнинг октябрида 65 ёшида оламдан ўтди. Унинг васиятномаси кўпчилик учун қўтилмаган мазмунда эди. У Колумбия университети қошида журналистика мактаби ва ўз номи билан аталувчи жамғарма очишни васият қилган ва ўша пайт учун жуда катта маблағ ҳисобланган 2 миллион доллар сармоя қолдирган эди.

Мархумнинг сўнги хоҳиши амалга ошди, 1917 йилдан буён ҳар йили Пулицтер мукофоти топшириб келинмоқда. Аънаана мувофиқ, Колумбия университети президенти ҳар йили апрел ойида мукофот топширилиши ҳақида расман маълум қилади. Фолиблар 2 мингдан зиёд номзодлар орасидан танлаб олинади. Барча йўналишлар бўйича мукофот эгаларини 90 нафар мустақил ҳайъат аъзоси аниқлайди.

BILASIZMI?

ЮЛДУЗЛАР ХИЁБОНИ

Мазкур хиёбон Американинг Лос-Анжелес шаҳрида жойлашган бўлиб, бу ерда машҳур кишиларнинг номлари битилган 2500та беш қиррали юлдуз муҳрланган.

Хиёбондаги биринчи юлдуз 1960 йилнинг 9 феврида қўйилган бўлиб, у актриса Жоан Вудвардга тегишлидир. Соҳибжамол Холли Берининг юлдузи эса 2007 йилнинг 4 апрелида 2333 рақами билан пайдо бўлди.

Ушбу хиёбон билан боғлиқ муаммоларни Голливуд бошқаруви палатаси ҳал қилади. Палата фан-клуб ва фуқаролардан ҳар йили 300тадан ортиқ сўров мактублари олади. Лекин бир йилда атиги 15-20 нафар "юлдуз" ўз номини абадий муҳрлаш бахтига муяссар бўлади. Ўз юлдузларига эга намоёндалар орасида номи афсонага айланган кино юлдузлари Том Круз, Киану Ривз, Мерилин Монро, Марлон Брандо, Вуди Аллен каби машҳур актёрлар бор.

Айни пайтда юлдузлар аллеяси ҳар ойда иккита юлдузга кўпаймоқда. Радио-телевидение, кино, musiqa соҳасида ижод қилаётган инсонлар ўн бир минг доллар тўлаб, ўз номига юлдуз қўйишлари мумкин. Юлдуз очилиш тақдироти ҳам шунинг ичиди, албатта.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, болажонларнинг севимли мултқажрамони — Винни Пух ҳам 2308 тартиб рақами билан Голливуд юлдузлари каторидан ўрин эгаллаган.



■ **"Реклама" сўзи лотинчада "қичқирмоқ" деган маънони англатиб, бир неча минг йиллик тарихга эга. АҚШ президенти Ф.Рузвельт рекламага "давлат миқёсида ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган ижтимоий ва иқтисодий куч" деб таъриф берган эди.**

■ **Дунёдаги энг қиммат реклама ролиги Американинг компютер технологиялари ишлаб чиқариш билан шугулланувчи "Apple" компаниясига тегишли. "Макинтош" компютерини харид қилишга ундовчи мазкур рекламани яратиш учун 6 млн. доллар сарфланган.**

■ **Реклама учун энг кўп маблағ сарфлайдиган давлат АҚШ ҳисобланади: 2000 йилда 236,3 млрд., бир йил ўтиб, 233,7 млрд., 2003 йилда эса 285,1 млрд. доллар харажат қилинган.**



Телекоммуникация хизмати (ru — услуга телекоммуникационная en — telecommunication service) — 1. Телекоммуникация тармоқлари орқали сигналлари ва ахборотнинг бошқа турларини қабул қилиш, узатиш, ишлов бериш бўйича оператор ва провайдер фаолиятининг махсулоти.

2. Телекоммуникация тармоқларига ва ёки узатилаётган ахборотни автомат, ёрдамчи ва вақтинча сақлашни қўшган ҳолда, ахборотни узатиш бўйича кириши таъминлаш бўйича хизмат.

Ахборот хизматлари (ru — услуги информационные, en — information service) — 1. Давлат ҳукумати ва бошқарув органларининг, юридик ва jisмоний шахсларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланган хизматлар.

2. Фойдаланувчиларни ахборот махсулотлари билан таъминлаш бўйича субъектлар (мулкдорлар ва мулк эгалари) харақати.

Интернет тармоғига уланиш хизматлари (ru — услуги подключения к сети интернет, en — internet connection services) — Хизмат истеъмолчиси мулкчилик ҳуқуқи ёки бошқа ҳуқуққа тегишли бўлган охириги ускуна-интернет тармоғига улаш бўйича ҳаракат ёки фаолият.

HAR TO'G'RIDA

КЎК ЧОЙ ИЧИНГ

Япон олимлари бир неча йиллик тадқиқотлардан сўнг ҳар кун беш-олти пиёла кўк чой истеъмол қилиш простата беzi саратони тарқалишининг олдини олиши ҳақидаги хулосага келишди.



Токиодаги миллий саратон институти олимлари 14 йил давомида 40-69 ёш оралиғидаги 50 мингдан зиёд беморни ўрганиб чиқишди. Изланишлар даврида ҳар кун кўк чой ичадиган беморларда простата саратони хасталигининг тарқалиши икки бараварга қисқаргани кузатилган. Шу билан бирга, бу шифобахш ичимликнинг беморлар саломатлигига салбий таъсир кўрсатгани қайд этилмаган. Мутахассислар хулосасига кўра, кўк чойнинг саратонга қарши даво экани унинг таркибидаги катехин моддаси билан боғлиқ. Ушбу модда простата саратонини келтириб чиқарувчи тестостерин гармон тарқалишини камайтиради.

Статистика бўйича простата саратони Фарб давлатларига қараганда Осиё мамлакатларида камроқ учраб экан. Мутахассислар бу ҳолатни Шарқ халқларининг кўк чойни кўп истеъмол қилишлари билан изоҳлашмоқда.

МЕТРОДА... ЎПИШМАНГ!

China Dailyнинг хабар беришича, хитойлик ёш жуфтлик суд орқали Шанхай метрополитени хизматчиларидан компенсация талаб қилмоқда. Бунга сабаб, ёшларнинг ўпишаётган ҳолати метро станциясида ўрнатилган камера орқали тасвирга олинган видеоролиқдир.

2007 йилнинг сентябрида олинган уч дақиқалик бу ролик интернетдаги YouTube.com ҳамда Хитой видео-сайтига жойлаштирилган. Икки куннинг ўзида видеотасвирни 15 мингдан ортиқ одам томоша қилган.

Ҳақоратланган ёшлар "Шанхай метроси барча йўловчиларнинг шахсий ҳаёти ҳуқуқини" суд тартибида химоя қилиш мақсадида адвокат ёллаган. Метронинг Shanghai Metro Operation Co Ltd компанияси оператори ушбу ҳолат юзасидан суриштирув бошлади ва хизмат видеоёзувини интернетга жойлаштирган ходимларни "қаттиқ жазолашга" ваъда берди.

Reuters хабарича, видеокамералар Хитойнинг йирик шаҳарларига ҳукумат талаби билан ўрнатилган. Ва шу тўғрисида ҳуқуқшунослар қонуннинг фуқаролар шахсий ҳаётига оид қисмига ўзгартиришлар киритишни талаб қилишмоқда. Улар шу йўл билан видеоматериаллардан нотўғри фойдаланишларнинг олдини олишмоқчи.

"Kulgi.NET"

— Доктор, сўнги пайтларда ҳамма нарсани эсимдан чиқарадиган бўлиб қолдим.



— Бунақанги ҳолат тез-тез юз бериб турадими?

— Нима юз бериб турадими?

— Айтингчи, парижонхотирлигингиз ишингизга халақит бермаяптими?

— Йўқ, аксинча, ишни эсдан чиқаришимга ёрдам берапти.

Доктор беморга тасалли берди:

— Менга ишонаверинг, сизга ҳеч нарса хавф солаётгани йўқ. Фақат тоза ҳаво зарур. Сизга кўпроқ юришни маслаҳат бераман. Дарвоқе, ким бўлиб ишлайсиз?



Ҳошимжон ТОШМАТОВ
Фаргона вилояти

SPORT

Вилоят Хотин-қизлар кураш федерацияси ўз фаолиятини бошлаган чоғда баъзилар унинг эртасига рўй-рост умидсизлик билан карашди. Бу ҳолга эътибор бермай яхши ният йўлидаги ҳаракатни бўшаштирмадик. Тез орада барчинсурат қизлар кўплиги аён бўлди. Уларни улғувор мақсад сари жипслаштиришга астойдил интилдик.

Спортсевар санамлар



Саломат Жўрақулова (ўртада) кураш бўйича Осиё чемпиони **Мафтунна Ортиқова** ҳамда VIII Ат-Термизий Хотира турнири соврини соҳибаси **Сойгул Тўрамурадова** билан.

Хозир қарийб уч минг нафар курашчи қизларимиз бўлса, уларнинг асосий қисмини талабалар ташкил этади. Кувонарлиси, сурхондарёлик спортсевар санамларнинг баъзилари миллий кураш бўйича мамлакат ва халқаро мусобақаларда қатнашиб, катта муваффақият қозонишга улғуришди. Насиба Бўриева эса Буюк Британияда ўтказилган аънавий Ислоом Каримов турнирида шохсупанинг иккинчи поғонасидан ўрин олиб, давлатимиз байроғи кўтарилишига сабабчи бўлди. Термиз педагогика коллежининг собиқ талабаси бугунги кунда ҳам ўқув-машғулотларида фаол иштирок этмоқда.

Вилоят кураш федерацияси аъзоларидан яна бири Мафтунна Ортиқованинг интилишлари ҳам бесамар кетмади. У Осиё чемпиони деган фахрли унвонга эришди. Айти пайтда Мафтуннахон Тошкент Давлат жисмоний тарбия институтида тахсил олмақда.

Мустақиллик шарофати билан ҳар икки йилда бир марта Ал-Ҳаким ат-Термизий Хотира соврини учун ўтказиб келинаётган халқаро миллий кураш мусобақасининг ўтган йилги саккизинчи турнири жаҳон курашчи қизларига ўз омадларини синаб кўриш "эшиги"ни очди. Термиз шаҳрининг "Алпомиш" ўйингоҳидаги бу илк беллашувда вилоятимизнинг ўнлаб Барчинойлари иштирок этишди. Термиз тиббиёт коллежи тала-

баси Соёгул Тўрамурадова халқаро турнирда фахрли иккинчи ўринни эгаллади. Таъкидлаш керакки, полвон қизларимиз бу йил Нукус шаҳрида ўтказиладиган "Баркамол авлод" спорт мусобақаларига ҳар қачонгидан пухта ҳозирлик кўришмоқда. 2008 йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилинганлиги уларга шундай кўтаринки кайфият бахш этган.

Вилоят хотин-қизлари спортнинг бошқа турлари билан ҳам шуғулланишмоқда. Улар қаторида маҳоратли шахматчи, бадий гимнастикачи ва волейболчиларни кўриш мумкин. Айниқса, аёллар футбол ривожланиб бораётгани кувонарли. Бу йўлдаги саъй-ҳаракатлар "Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент Фармони ва Вазирлар Маҳкамаси қароридан сўнг кучайиб кетди. Термиз Давлат университетидеги "Аёллар футбол клуби" билан ҳамкорликда вилоят аёллар футбол жамоаси ташкил топди. Янги жамоанинг мамлакат олий лигаси учрашувларидаги иштироки муваффақиятли бўлмоқда.

Энг муҳими, Сурхондарёда Хотин-қизлар кураш федерацияси фаолияти тобора янги погоналарга кўтарилиб борапти. Алпомиш мажмуасидаги "Кураш" саройида бўлган мамлакат Барчинойлари беллашуви ва шунга ўхшаш амалий тадбирлар фикримизга ёрқин далил бўла олади. "Кураш" саройидаги учрашувларнинг тантанали ёпилиши маросимида таниқли шоир, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Кураш Миллий Федерацияси раиси Абдулла Орипов қатнашиб, қимматли фикр-мулоҳазаларини билдирган эди. Уша ҳаяжонли дақиқалар қатнашчиларда катта таассурот қолдириш билан бирга, янада янги марраларни эгаллашга чоғлантириб юборди.

Хуллас, спортга, хусусан, аёллар спортга эътиборнинг ортиб бораётгани соғлом оила ва соғлом она лойиҳаси асосидаги Давлат дастури ижросида муҳим рол ўйнамоқда. Шундай экан, бу йўлдаги изланишларни узлуксиз давом эттираверамиз.

Саломат Жўрақулова,
Сурхондарё вилоят
Хотин-қизлар кураш
федерацияси
ижрочи директори

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Давлат алоқа инспекцияси жамоаси инспекция ходими Фахритдин Жўраевга волидаи муҳтарамаси **МАХСУМА** онанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Хоразм вилояти алоқа ходимлари бирлашган касабга уюшмаси кўмитаси жамоаси Шовот туман телекоммуникациялар боғламаси касабга уюшма кўмитаси раиси **Гулора ВАФОЕВА**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдарлик билдиради.

"Ўзбектелеком Интернейшнл" кўшма корхонаси жамоаси корхонанинг техник бўлими менежери Музаффар Сафаровга волидаи муҳтарамаси **НОЗ** аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусайд КҮЧИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Бахтиёр КУБЕЕВ
Шомансур ОБИДХҲҲАЕВ
Миродил САНГИЛОВ
Шухрат СОДИҚОВ
Лутфилло ТУРСУНОВ
(масъул котиб)
Асаджон ХҲҲАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета
Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 0016 рақами билан рўйхатга олинган.

МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60,
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
Тел.: 233-36-48; 236-35-29.
Факс: 236-36-42.
E-mail: orif@infonet.uz

Таҳририятта келган кўлэзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқлиниши мумкин.

Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал —

Реклама матнларининг тўғрилиги таҳририят жавобгар эмас.

Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.

Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Мавзил: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

153-Г сонли бюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.
Адади: 14768 нуска.

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслиддин БҲҲРИЕВ.
Матн терувчи: Дилфуза МАТҚУРБОНОВА.

Ахборот ҳамкоримиз:
UZINFOCOM маркази.

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиши вақти — 20.00.

1 2 3 4 5 6 8



SHAHAR TELEFONI UCHUN TO'LOVLAR oson va qulay



① www.paynet.uz @ info@paynet.uz ☎ 139 19 99
Xizmatlar litsenziyalangan

Хаётимизга мобил алоқаси кириб келгунга қадар, ҳар бир киши уйда симли телефон бўлишини орзу қилар эди. Бугунги кунда шаҳарларимиздаги деярли барча хонадонларда АТС орқали ягона тармоққа уланган ва кечаю кундуз хизмат қиладиган стационар телефон мавжуд.

Ахборот-коммуникация технологиялари ривожланиб бориши билан оддий телефон алоқасидан фойдаланишда борган сари кўпроқ имконият ва қулайликларни қўлга киритяпмиз.

Уйимиздан ўтган биргина "сим" бизни бутун дунё билан боғламоқда. Телефон симини компьютерга улашимиз билан бутунжаҳон глобал тармоқ – интернетга боғланимиз, бошқа қитъаларда яшаётган дўстларимиз ва яқинларимизнинг овозини эшитяпмиз. Биз билан бошқа давлатлар ўртасидаги чегара ва масофа қайсида маънода ўз аҳамиятини йўқотмоқда.

Агар сизнинг телефонингизда рақамни аниқловчи функцияси мавжуд бўлса, кўнгиноқ қилаётган абонент рақамини билиб олиш муаммо бўлмайди. Замонавий АТСлар конференц-алоқа, будилник, автожавоб-бергич ва бошқа қўллаб имкониятларни бизга тақдим этмоқда. Бу – симли алоқа ўз долзарблиги ва аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмаслигидан, аксинча, келгусида янада мукамал тизим учун ишончли коммуникация асоси бўлишидан далолат беради.

ҚИММАТЛИ ВАҚТИНГИЗНИ ТЕЖАНГ!

Ўзбекистонда шаҳар телефон алоқаси мобил алоқасига нисбатан ҳамёнбоп ҳисобланади. Уяли алоқа компаниялари эса тўлов ва хизматлар мақбул ҳамда қулай бўлиши учун кўп иш қилишмоқда. Айнан ушбу асос муҳим вазиятлардан бири ҳисобланади ва бу хизмат кўрсатувчилар учун бош вазифага айланиб бормоқда.

Ҳозирда деярли ҳар бир бурчакда мобил телефон учун тўлов амалга ошириш ҳақидаги ва мобил операторлар логотипи кўрсатилган эълонлар осиб қўйилган. Бирок улар ичида шаҳар телефони хизматлари учун тўлов кўрсатилмаган. Мижозлар қимматли вақтларини сарфлаб, уй телефони хизмати тўловини амалга ошириш учун махсус кассаларга боришади. Яна бир муҳим жиҳатлардан бири – бу тўлов суммаси. Баъзида уй телефон хизмати учун қандайдир арзимаган тўловни деб йўқотган вақтингиздан жуда афсусланасиз. Бундай вазиятда абонент тўлови миқдори йўлга сарфланган маблағ ва йўқотилган вақт ҳисобига янада қимматга тушади. Яна бир жиҳат – бу кассаларнинг иш тартиби ва навбат кутиш. Узоқ муддат навбатда туриб, эндигина касса ойначаси олдида етганда тушликка танаффус эълон қилинса ёки иш вақти тугаб, касса ёпилса – кимга ҳам ёқади деб ўйлайсиз?!

Бу каби қўллаб мисоллар келтириш мумкин. Демак, телефон хизматлари учун тўловни қулай тартибда амалга ошириш ҳам кундалик ҳаётимизда жуда катта аҳамият касб этади.

Яқинда PAYNET компанияси Тош-

кент шаҳрида электр энергиясига тўловларни қабул қила бошлаганини эълон қилган эди. Албатта, PAYNET шахобчаларида электр энергияси учун тўловни амалга ошириш имконияти туғилгани кўпчилик учун янгилик бўлди. Сабаби, шу пайтгача истеъмолчи электр энергия учун пулни фақат махсус жойларда тўлашга мажбур эди.

2008 йил январ ойининг ўрталаридан бошлаб PAYNET Тошкент абонентларидан шаҳар телефони (уй телефони) тармоғи хизматлари учун тўловларни қабул қила бошлади.

Бу абонентларга нима беради? Биринчи навбатда вақтни тежарди. Тўлов учун PAYNETнинг исталган шахобчасига киришингиз мумкин. Бундай шахобчалар сони республикамизда 5000дан ортик бўлиб, уларнинг қарийб 1500таси пойтахтда жойлашган. Тўлов шахобчалари уйингиз, иш жойингиз ёнгинасида ёки кунда қатнайидиган йўлингиз устида жойлашган бўлиши мумкин. Хизмат кўрсатиш нархи абонент тўлайдиган суммага нисбатан 3 фоизни ташкил этади. Шу ҳолатда ҳам сезиларли даражада маблағ ва вақт тежаб қолинади. Тўлаш тартибига келадиган бўлсак, миқоз ўзи истаган, хоҳ у абонент тўлови бўлсин, хоҳ шаҳарлараро ёки халқаро сўзлашувлар учун суммани тўлаши мумкин. Миқоз ўз уйи телефон рақами ва бериладиган суммани айтиши, тўловни амалга оширганидан кейин эса чекни олиши лозим. Чеқда тўлов вақти ва кун, миқоз телефони ва терминал рақами ҳамда сумма кўрсатилган бўлади.

Мазкур хизматни йўлга қўйишдан аввал синов шаклидаги тўловлар амалга оширилди ва бу ўзининг ижобий натижаларини кўрсатди. Шундан кейингина тизимга босқичма-босқич улаш ишлари давом эттирилди.

Хизмат учун тўловлар "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиали биллинг тизими иш тартибига кўра ҳозирча чегараланган: яъни ҳар кун соат 08:00дан 19:00гача қабул қилинмоқда.

Ўз ҳисобини тўлдириш ёки қарздорликни қоплаш учун бир мартада 500 сўмдан 100 000 сўмгача бўлган тўловни амалга ошириш мумкин.

Яна бир устунлик – ҳисоб рақамни тўлдириш реал вақт тартибда амалга оширилади. Яъни, пул маблағлари бир зумда абонент ҳисобига бориб тушади, шу заҳотиёқ депозит тўлдирилганлиги ҳақида тасдиқловчи хабар келади. Тўлов жараёни эса 4-5 сониядан кўп вақтни олмайди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, эндиликда PAYNET шахобчаларида кундалик ҳаётимизда фойдаланиладиган ва муҳим аҳамият касб этадиган қўллаб хизматлар учун тўловларни амалга ошириш имкони мавжуд.

Албатта, олдинда PAYNET тизимини қатор хизматлар билан тўлдириш каби қилиниши лозим бўлган ишлар кўп. Шу билан бирга, "талаб таклифни туғдиради" деган иқтисодийёт қонунини ҳисобга олиб, ишонч билан айтиш мумкинки, тўлақонли натижаларга эришиш учун жуда оз вақт қолди.